VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

22 (239) ● 2013 йил 12 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Рассом ижодида Ватанни улуғлаш, миллий урф-одат ва турмуш тарзимизни акс эттириши партия ғояларига муштараклиги билан аҳамиятлидир



2 СИЁСАТ

ЎзМТДПнинг махсус лойиҳаси асосида Фарғона вилоятидаги 54 нафар хунарманд, касаначи ва коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар берилди



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Тўрақўрғондаги миллий кураш мактаби азалий қадриятларимиздан бўлган курашни жаҳонда тарғиб этишда муносиб хизмат кўрсатмоқда



5 МАЪНАВИЯТ

## Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2013 йил 13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ва кенг кўламли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.



(ЎзА) олган сурат.

*Мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни партия ўзининг ўта муҳим вазифаси деб билади. Бу борада партия қуйидагиларни устувор деб ҳисоблайди:*

*— ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур уйғотиш;*

*— ёшларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилишига эришиш;*

*— ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш.*

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.*

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

### Мулоқот

## Долзарб вазифалар муҳокамаси

**учрашувлар жараёнида аҳоли сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда**

***Мамлакатимизда аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишлари, турли тадбир ва учрашувлар партия ғоясининг кенг жамоатчилик орасига чуқур кириб бориши ва хайрихоҳлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.***

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сарвар Отамуратов Хазорасп туманида сайловчилар билан учрашди. Тадбирда партия Хоразм вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, тумандаги корхона ва ташкилот вакиллари, партия фаоллари ва сайловчилар иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Хазорасп туман ҳокими Ўктам Қурбонов депутат ва сайловчиларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш ҳудуддаги мавжуд ютуқларни янада ривожлантириш ва айрим муаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Учрашув давомида депутат асосий эътиборни парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсидаги долзарб вазифаларга эътибор қаратди.

2-бет

### Хабарлар

## Таълимнинг устувор вазифалари

**Жиззах вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “Таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

“Обод турмуш йили”га бағишлаб ўтказилган мазкур конференцияда мамлакатимиз ва вилоятдаги бир қатор олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, таълим ходимлари иштирок этдилар. Илмий-амалий конференцияда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Шўъба йиғилишларида “Маънавий-маърифий ишлар ва уни ёшлар интелектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни”, “Узлуксиз таълим тизимида таълим сифатининг самарадорлигини ошириш омиллари”, “Таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиянинг роли”, “Таълим тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш” каби масалалар қизғин муҳокама қилинди.

## Оромгоҳларда чет тили тўгараклари

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ёзги оромгоҳларда чет тилларни ўргатиш тўгараклари ташкил этилаётир.**

Мактаблар қошидаги 790 кундузги оромгоҳда тўгарак машғулотларини ўтказиш учун ушбу таълим даргоҳларининг чет тили ўқитувчилари, 210 стационар оромгоҳга эса олий ўқув юртларининг кўнгилли талабалари жалб этилди. Чет тили тўгаракларининг махсус дастурлари ишлаб чиқилди. Ёзги оромгоҳларда олиб борилаётган хорижий тилларни ўрганиш бўйича машғулотларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг мактабда олган билимини коммуникацион суҳбатлар, учрашувлар, турли тадбир ва топшириқларни бажариш асосида мустаҳкамлаш ва бойитишдан иборат. Ҳудудлардаги ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларида ташкил этилган махсус гуруҳларга чет тили бўйича тажрибали педагоглар раҳбарлик қилмоқда.

### Кўргазма

## Ижодкор зиёлиларни қўллаб-қувватлаш

**ЎзМТДП дастурий вазифалари сирасига киради**

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон давлат санъат музейида “Обод турмуш тароватиˮ шиори остида расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда ЎзМТДП фаоли, маҳоратли рассом Дилором Мамедованинг “Ижоддаги турфа ранглар” номли кўргазмаси намойиш этилди. Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси мутасаддилари, рассомлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раис ўринбосари, Ўзбекистон давлат Санъат музейи директори Васила Файзиева партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Маданият ва санъат соҳаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантириш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, истеъдодли ва ижодкор ёшларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг яратувчанлик фаолиятига кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Бу каби дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда тарғибот тадбирлари ва амалий кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади. Сабаби унда иштирок этадиган ҳар бир ўғил-қиз ижод намуналаридан маънавий озуқа олиб, дунёқараши, эстетик руҳи ривожланади, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб янги музейлар, санъат кошоналари, галерея, кўргазма заллари, тасвирий санъатга ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари барпо этилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда тасвирий санъатнинг ўзига хос анъана ва мактаблари юзага келди.

2-бет

### Ҳуқуқий эксперимент

***Парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ислоҳотлар ривожининг узлуксизлиги ҳамда мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.***

## Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги

**уни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси синови амалда**

2-бет



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Кўргазма



# Ижодкор зиёлиларни қўллаб-қувватлаш

**ЎзМТДП дастурий вазифалари сирасига киради**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, бу борада ЎзМТДП ҳам дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда соҳа ривожига кўмаклашиб келмоқда. Жойларда ёш ва маҳоратли рассомларнинг турли мавзуларга бағишланган кўргазмалари ташкил этиб келинаётгани фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказиладиган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остидаги ёш рассомлар кўрик-танлови, "Устоз-шогирд" анъанаси асосидаги "Анъаналар этади давом" мавзусидаги ёш рассомларнинг ижод намуналари кўргазмаси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш каби дастурий вазифаларнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— ЎзМТДП ўз сафига миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маданият соҳаси ходимларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиради. Ана шундай ватанпарвар, фидойи рассомлардан бири Д.Мамедова партиямиз фаоли сифатида ЎзМТДП дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этади. Айниқса, рассомнинг ўз ижодида Ватанни улуғлаш, юртга меҳр ва садоқат туйғуларини, миллий урф-одат ва турмуш тарзимизни акс эттириши партия ғояларига муштараклиги билан аҳамиятлидир. ЎзМТДП ўз фаолияти давомида ижодкорларни ва истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириб, унинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини янада такомиллаштириб боради, - деди партия етакчиси.

Сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларга қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Якунда ташкилотчилар томонидан ижодкорга эсдалик совғалари улашилиб, "Ижоддаги турфа ранглар" кўргазмаси очиқ деб эълон қилинди.

***Мавжуда РАЖАБОВА,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон тасвирий санъат" ҳафталиги, "Янги авлод" Республика болалар ижодиёти фестивали, "Келажак овози" Республика ёшлар танлови, "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат фестиваллари доирасида замонавий санъатнинг барча йўналишларида фаолият кўрсатаётган кўплаб ёш ижодкорлар кашф этилмоқда. Бугунги кунда улар мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ташкил этилаётган йирик санъат анжуманлари, кўргазма ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Улар орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этаётгани, айниқса, қувонарли ҳол. ЎзМТДП ҳам жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини бойитиш жараёнларида хотин-қизларнинг тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришни мақсад қилган. Хусусан, бугунги тадбир ана шу дастурий мақсадлар ижросига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мулоқот

# Долзарб вазифалар муҳокамаси

**учрашувлар жараёнида аҳоли сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-барқарорлик туфайли барча соҳаларда ўсиш кузатилмоқда, кенг кўламли ислоҳотлар самараси юртдошларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқарашида ўз аксини топмоқда, - деди партия раҳбари. — Айниқса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти кундан-кунга юксалиб, уларда дахлдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қувонарли, албатта. Бу эса, биз депутатларни доимо фаолликка ундаб, масъулиятимизни оширмоқда.

— Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Партиямиз фракцияси қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларида ЎзМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни халқ ҳунармандчилиги, оилавий тадбиркорлик, туризмни ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, сайлов жараёнларини янада демократлаштириш каби масалаларга эътибор қаратмоқда, - деди нотиқ.

Шунингдек, депутат янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг аҳамияти, жойлардаги ижроси, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва белгиланган устувор вазифаларини амалга оширишда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг тутган ўрни тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Нотиқ, ЎзМТДПнинг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланган ва Президент томонидан имзоланган "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига ҳам эътибор қаратди. Партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллигини ошириш лозимлиги, уларнинг туман Кенгашларига ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот бериб бориши, туман Кенгаши сессияларига партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг ташаббус-масалалар киритиб, улар устидан қарор қабул қилинишига эришиш лозимлигини айтиб ўтди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ҳуқуқий эксперимент

# Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги

**уни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси синови амалда**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам аниқ йўналиш белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини янада кучайтириш, айниқса, аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг Фармойиши билан мазкур қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда. Хўш, Бухоро вилоятида қонун лойиҳаси синови юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу борада Бухоро шаҳар ҳокими матбуот котиби Беҳруз Жўраевга мурожаат қилдик.

— Қонун лойиҳасининг асосий мақсади сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахлдор бўлган фармойишлар, қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишдан иборат, - дейди суҳбатдошимиз. — Давлатимиз раҳбарининг фармойиши ижросини амалга ошириш бўйича Бухоро шаҳар ҳокимлигида матбуот хизмати ташкил қилинди. Ахборотларни тақдим этиш юзасидан оғзаки ва ёзма сўровлар китоби очилган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилишлари, ахборотни эркин ва монеликсиз олишларини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги биносининг кириш қисмига иккита сенсорли моноблоклар ўрнатилди. Унда шаҳар ҳокимлиги тўғрисида барча керакли ҳужжатлар киритилган ва ушбу моноблоклар интернет тармоғига уланганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Қолаверса, маълумот ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлигининг веб-сайти — Buxoro shahar.Buxoro.uz очилган бўлиб, ундан шаҳар ҳокимлиги фаолияти, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг синови бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар олиш мумкин. Веб-сайтдаги ахборот ва маълумотлар ҳафтада уч марта янгилаб борилади. Унда жамият ҳаёти ҳамда аҳоли манфаатларига тааллуқли хабарлар, далиллар ва жараёнлар ҳақида тезкор маълумотлар бериб борилмоқда.

Ахборот олиш жараёнларини такомиллаштириш, бу борада ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадида битта техник оператор штати ҳам ажратилди. Унинг зиммасига шаҳар ҳокимлиги веб-сайтини юритиш, матбуот анжуманларини ташкил этиш, ҳудуддаги оммавий ахборот воситалари билан иш олиб бориш, уларга керакли ахборот ва материалларни бериб бориш, жамоатчилик фикри мониторингини юритиш каби вазифалар юкланган, - дейди Б.Жўраев.

Суҳбатдошимиз берган маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича амалга оширилаётган ишлар давом этмоқда. Айниқса, ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида мурожаат қилувчиларга ўз вақтида, етарлича маълумот ва ахборотнинг тақдим этилаётгани фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига ҳам хизмат қилаётир. Қолаверса, ҳуқуқий эксперимент жараёнларининг бориши фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ҳам оширмоқда.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўқув-семинар

# Устувор вазифалар

**ўқув-семинарда чуқур таҳлил этилди**

***Жиззахда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Ўқув-семинарни ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров кириш сўзи билан очар экан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантиришни талаб этаётганлигини таъкидлади.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилди:

— "Обод турмуш йили" давлат Дастурининг энг устувор вазифаларидан бири мамлакатимиз миллий хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. ЎзМТДП дастурий мақсадларининг туб моҳиятида ҳам юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий ғояси атрофида жамиятни бирлаштириш мақсади ётади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан "Ўзбек халқига тинчлик ва осойишталик керак" номли рисоласи биз учун келгусида амалга ошрадиган ишларимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари олдида турган масъулиятли вазифалардан бири ҳам юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларда муносиб ҳисса қўшишдир. Бу масала жамоатчилик орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимизда энг долзарб мавзу сифатида ўрин олиши лозим.

— Таҳлилий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2010 йилда фаолият бошлаган партиямизнинг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан бир қатор қонунлар қабул қилинишига эришилди, ялпи мажлисда ва қўмита йиғилишларида парламент эшитувлари тингланди, жойларда палата депутатлари билан 1100 марта сайловчилар учрашувлари ташкил қилинди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига 310 та ташаббус-масала киритилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш олдимиздаги энг муҳим вазифалар сирасига киради. Зеро, партиянинг сайловчиларга берган ваъдаларини амалга оширишнинг аниқ механизмларидан бири парламентда қонунлар қабул қилишга эришиш бўлса, иккинчиси маҳаллий кенгашлар сессияларида қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг бажарилишига эришишдир, - деди пировардида партия раиси ўринбосари.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида давлат бошқарувини демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг амалда татбиқ этилаётгани барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ривожини янги босқичга олиб чиқаётганлиги эътироф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуғофур Маматов иштирокчиларни мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари билан таништирди. Хусусан, "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида батафсил маълумот берди.

Семинарда "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзМТДПнинг устувор вазифалари", "Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари", "Миллий тикланиш ғояси: ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари", "Сайловолди тарғиботи ва ташвиқотида сиёсий технологиялардан фойдаланиш" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

***Убайдулла НИЗОМОВ,***
***ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Ўқув-семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг маҳаллий партия тузилмалари ва парламентдаги фракцияси билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада депутатлар ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари, маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган масалаларни киритиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа йўналишларда фаол иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди.

***Сирожхон ҒОЗИЕВ,***
***ЎзМТДП вилоят Кенгаши аъзоси:***

— Мазкур семинар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ЎзМТДПнинг устувор вазифаларини партия етакчилари, фаоллари, депутатлари иштирокида муҳокама қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун кучли тарғиботчилар гуруҳларини шакллантириш, уларнинг пухта иш олиб боришига эришиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан саналади. Бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган ишларнинг ўқув-семинарда чуқур муҳокама қилингани айни муддао бўлди.

* * *

Худди шу мавзудаги семинар ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгашида ҳам ташкил этилди. Партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари иштирок этган семинарда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда партиямиз олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Семинарни партия Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Бахтиёр Абдураҳмонов кириш сўзи билан очиб, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция мамлакат тараққиётининг янги босқичини белгилаб берганини алоҳида таъкидлади.

— Истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди, - деди семинарда "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзМТДПнинг устувор вазифалари" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев.

Айниқса, парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепциядаги қонунчилик ташаббуслари ҳар бир партия, шунингдек, уларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциясини янада фаолликка ундади. Концепцияда илгари сурилган ғояларни амалга ошириш учун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, энг аввало, ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий партия сифатида жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараши ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйнига ола биладиган етук кадрлар потенциалини вужудга келтириш, партия мафкураси ва ғоясига янгича ёндошувларни шакллантиришга қаратилган қатор вазифаларни ўз олдига белгилаб олган ва бу йўналишда қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ўқув-семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Игор Коренев "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари" мавзусида маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш, захира кадрларнинг нотиқлик маҳоратини ошириш, унинг ўзига хос имижини яратиш, жамоатчилик билан ишлаш, оммавий ахборот воситаларида таъсирчан чиқишлар қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган амалий машғулотлар ҳам ўтказилди.

Иштирокчилар барча маърузалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён қилишар экан, бу каби ўқув-семинарлар партия кадрлари ва депутатларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини оширишга ёрдам бераётганини таъкидладилар.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Партия лойиҳаси



# Банк кредитлари

## нафақат ҳунармандлар, балки коллеж битирувчилари учун ҳам айни муддао

***Бугун мамлакатимизда миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳа тараққиёти учун яратиб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ҳуқуқий асослар самараси ўлароқ миллий ҳунармандчилик равнақ топиб бормоқда.***

Таъкидлаш жоизки, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш бўйича солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги Фармонига асосан 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Яратилган бу каби шарт-шароитлар натижасида миллий ҳунармандчилик йилдан йилга ривожланиб бормоқда.

Ўтган даврда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати ҳам сезиларли даражада ўсди. 2011 йилда уюшма аъзолари томонидан 86 млрд. сўмдан зиёд халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрланиб, сотилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсатгич 93 миллиард 531 миллион 600 минг сўмни ташкил этди. Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида уюшмада ҳозирги кунда 600 дан зиёд «Уста-шогирд» мактаблари фаолият юритмоқда. Бу мактабларда 3000 дан ортиқ шогирдларга ҳунар сирлари ўргатилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, партия электорати бўлган ҳунармандларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш ҳамда мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга кўмаклашишга интилмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

Семинарнинг навбатдагиси Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида партия томонидан ҳунармандлар иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, жойлардаги миллий ҳунармандчилик юзасидан мавжуд муаммолар, уста ҳунармандларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўрганилди. 54 та лойиҳа ташкилотчилар томонидан молиялаштиришга қарор қилинди. Ҳунармандларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топшириш маросими Марғилон шаҳрида, "Ҳунарманд" уюшмаси шаҳар бўлими биносида бўлиб ўтди.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланган анжуманни ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев кириш сўзи билан очди.

— Бугунги тадбир ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турлари, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни имтиёзли кредитлаш, партия электорати бўлган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва керакли шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратишга кўмаклашиш мақсадига хизмат қилади.

Партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш борасида ҳунармандчиликнинг барча турларини, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" мактабини ривожлантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДПнинг миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси асосида ўтган давр мобайнида партия Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ҳамда Бухоро вилоят Кенгашларида ўтказилган семинарларда 150 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 4 миллиард 140 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида жойларда 350 дан зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

***Азамат ҚОСИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти мудири ўринбосари:***

— "Обод турмуш йили" давлат Дастурида 2013 йилда касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига 218,4 минг янги иш ўринлари яратиш назарда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига 110,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши белгиланган.

2013 йилнинг 1-чораги давомида Ўзбекистон банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 1,6 триллион сўмни ташкил этди. Айни вақтда жами молиявий хизматлар таркибида бевосита банк хизматларининг улуши 87,1 фоизни ташкил этаётгани ҳам бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар кўламининг нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Бу наинки халқимиз фаровонлиги ошаётганидан, балки мамлакатимиз банк-молия тизими барқарор ишлаётганидан ҳам далолатдир.

***Рустам РАУПОВ,***
***ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари, Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси:***

— ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" мактабини ривожлантиришга кўмаклашиш белгилаб қўйилган. Бу вазифаларни амалга оширишда партия фаоллари ва депутатлар фаоллик ва ташаббускорликни янада кучайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Партиянинг махсус лойиҳаси орқали вилоятдаги 54 нафар ҳунарманд, касаначи ва коллеж битирувчиларига 966,2 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширишга муваффақ бўлдик. Мазкур маблағ ёрдамида 30 нафардан зиёд ҳунарманд ўз фаолиятини кенгайтириш, 20 нафарга яқин коллеж битирувчиси ўз мустақил ишини бошлашга муваффақ бўлди. Натижада 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади ва шунча оилалар турмушининг ободлиги таъминланади.

***Ойдинхон ҚОСИМОВА,***
***Марғилон шаҳар Банк коллежи битирувчиси:***

— Болалигимдан атлас тўқишга қизиқаман. Кўпдан бери ўз мустақил тўқимачилик фаолиятимни йўлга қўйишни режалаштириб юргандим. ЎзМТДПнинг бугунги лойиҳаси мен учун айни муддао бўлди. Лойиҳа ташкилотчиларига ўз бизнес режамни тақдим этдим ва 5 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим. Бу биз ёшлар учун ўз қизиқишларимиз бўйича касбга эга бўлишимиз, мустақил фаолиятимизни бошлаш ва шу орқали оиламиз бюджетини шакллантиришда кенг имкониятдир.

***Шоира ТЎЙЧИЕВА,***
***ҳунарманд:***

— Марғилон ипаклари табиий бўёқлари ва юқори сифати билан кўзни қувнатади. Матолар хомашёси, безаги ва тўқиш усули бўйича бир-биридан фарқланади. Беқасам, адрас, парипошша, банорас, ҳарир, шойи, атлас, хонатлас, чита, олача, қалами, бўз ва бошқа турдаги Марғилон матолари нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда маълум ва машҳур. Кундан-кунга уларга бўлган талабнинг ортиши фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги дастгоҳлар сотиб олиш ва ишчиларимиз сонини оширишни тақозо этмоқда. Буларнинг бари маблағ билан боғлиқ масалалардир.

ЎзМТДП лойиҳаси ёрдамида 15 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим. Бу фаолиятимни янада кенгайтиришга, янги иш ўринлари ташкил этишга ёрдам беради.

**Дониёр ТОШБОЕВ**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши**
**Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи**

Хроника

# Баркамол авлод

## уларни қўллаб-қувватлаш партия ташкилотлари масъулиятини оширади

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Истиқлол шарофати билан юртимизда ёшлар маънавий онги ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар эшиги очилди. Бу борада ЎзМТДП ташкилотлари ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда. Хусусан, партия Сергели туман Кенгаши ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадига қаратилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Ибрагимов юртимиз ёшларига яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Бугунги меҳнат ярмаркасига касб-ҳунар коллежи битирувчи ёшлари кенгроқ жалб қилинди. Боиси, жорий йилда биргина туманимиз миқёсида 300 нафардан ортиқ ёшлар касб-ҳунар коллежларини битириш арафасида турибди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ёшларни замонавий билим, касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган долзарб вазифалардан саналади. Мазкур тадбир айни мақсадларни амалга оширишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ёшлари ташкилот ва корхона вакилларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

### НАВОИЙ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Кармана туман Кенгаши томонидан "ЎзМТДПнинг жамиятни ривожлантиришдаги иштироки" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда партия Навоий вилоят ва Кармана туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари иштирок этди.

— Бугунги кунда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, мамлакатда юз бераётган демократик янгиланиш жараёнларига таъсири тобора кучайиб бораяпти, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Т.Юлдошев. — Жумладан, партиямиз жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий кучдир. Партия дастурий мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, ҳудудий кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш вазифалари партия фаолларидан масъулият талаб этади. Шу мақсадда ташкил этилган мазкур тадбир бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирда шунингдек, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни кенг тарғиб этиш ҳамда ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтириш ҳам муҳокама қилинди.

### НАМАНГАН

ЎзМТДП Мингбулоқ туман Кенгаши томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

— Тадбир сайлов тизимидаги айрим ўзгариш ва қўшимчаларни аҳолига атрофлича тушунтириш ҳамда сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Мингбулоқ туман Кенгаши раиси И.Юлдашев. — Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётир. Шу боис давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш орқали ўз тарафдорларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш олдимизда турган муҳим вазифамиздир.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий жараёнлардаги янгиланишлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга берилаётган эътибор истиқлол неъмати эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ЎзМТДП ғояларини амалга ошириш юзасидан турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Тадбирда партия Мингбулоқ туман Кенгаши ходимлари, "Аёллар қаноти" фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мустақиллик халқимизга тинч-осуда ҳаёт, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳи устуворлигини, тарихий меросимизни инъом этди. Уларни асраб-авайлаш, инсонийлик ва тинчликсеварликка йўғрилган миллий қадриятларимизни келажак авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан "Мустақиллик ва миллий маънавиятимизнинг тикланиши" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия Тошкент вилоят ва Оҳангарон туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ёш авлод вакилларини миллий ғоя асосида, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталиб ўтдилар. Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик анъана ва урф-одатларни сақлаб қолишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Бу каби тадбирлар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини янада кучайтириши билан аҳамиятлидир.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Маҳмуд Тоир ўзларининг истиқлолни тараннум этувчи шеърлари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

**М.КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Тарғибот

# Экологик хавфсизликни таъминлаш

## унда ёшларнинг масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади

***Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишини ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Мазкур дастурий мақсадлар ижросини таъминлаш борасида партия ташкилотларида қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.***

Партия "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Инсон, табиат ва экология" шиори остида ёшлар томонидан яратилган композициялар кўрик-танлови ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Танлов давомида талабалар томонидан турли йўналишлар бўйича ишланган композициялар кўргазмаси намойиш этилди. Хусусан, "Обод турмуш тарзи - талабалар нигоҳида", "Соғлом турмуш тарзи - узоқ умр гарови", "Экология ва ер ҳолати" каби йўналишлардаги ижодий ишлар ёшлар ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш мақсадларини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган турли саъй-ҳаракатларга қарши курашиш, ўсимлик ва дарахт турларини экиш борасидаги ишларда фаол бўлишга ҳамда ташаббускорлик кўрсатишга даъват этдилар. Шунингдек, иштирокчи ёшлар экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, ЎзМТДПнинг бу борадаги дастурий вазифалари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Танлов сўнгида ҳакамлар ҳайъатининг баҳолари эълон қилиниб, қатнашчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Р.ЭРГАШЕВА,**
**Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси,**
**М.РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

***Юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ келажагимиз эгалари бўлмиш болажонлар учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Аслида ҳаёт, унинг давомийлиги ва мазмундорлигини болаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кичкинтойларни асраб-авайлаган, уларнинг бахтли болалигини таъминлаган, шодлиги, қувончи йўлида ҳеч нарсани аямайдиган юртнинг келажаги порлоқдир.***

# Болаларга эътибор — келажакка эътибор

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият ва тарғибот маркази, Ўзбекистон "Қизил ярим ой" жамияти Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ва У.Қурбонов номли Республика руҳий асаб касалликлари шифохонаси ҳамкорлигида "Болаларга эътибор — келажакка эътибор" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси йўлида замон талабларига жавоб берадиган бир-биридан чиройли, кўркам олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари қурилгани, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олиб борилаётган узлуксиз таълим жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳуқуқий саводхон, ҳар томонлама баркамол, ўз юртига муносиб фарзанд бўлиб етишишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Болажонлар томонидан тайёрланган бадиий кўринишлар, саҳна асарларидан парчалар, куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача завқ бағишлади. Шу куни болажонларимиз бир олам шодлик ва қувончга эга бўлишди.

***Отабек ЖИЯНБОЕВ,***
***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлашга оид ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кўплаб қонун ҳужжатлари, давлат дастурларида ўз ифодасини топган. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида оила, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш, тарбиявий-маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Жумладан, партия Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган бугунги тадбирда "Magnum Medikal Servis" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган ногиронлар аравачалари, болаларнинг ҳаракатини енгиллаштирувчи асбоб-анжомлар, тиббий жиҳозлар ҳомийлик ёрдами сифатида ҳадя этилди. Мақсад, болаларнинг кўнглини кўтариш, ҳамма болалар қатори ўйнаб-кулишлари учун шароит яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

***Даврон САФАРОВ,***
***ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, барча тоифадаги ёшларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, маданият, спорт билан шуғулланиш, уларга тиббий хизмат кўрсатилишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишига кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан саналади. Бундан кейин ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Парламент ҳаёти

# Давлат бюджети

## 2012 йил ва 2013 йил 1 чорак якунлари бўйича фан, таълим, маданият ва спорт соҳасидаги ижроси кўриб чиқилди

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2012 йил ва 2013 йил 1 чорак якунлари бўйича фан, таълим, маданият ва спорт соҳасидаги ижроси»га бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов мустақиллик йилларида юртимизда фан, таълим, маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шунингдек, нотиқ давлат бюджети харажатлари таълим муассасаларини жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этди.

Таъкидланганидек, ўтган йили ва 2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг изчил ўсиши ҳамда макроиқтисодий барқарорлик таъминланган.

2012 йилда таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатларига давлат бюджетидан 7130,4 млрд. сўм маблағ ажратилган. Таълим муассасалари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 62,3 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 189 та янги умумтаълим мактаби реконструкция қилинган. Бундан ташқари 161 та мактаб мукаммал таъмирланди, 70 та касб-ҳунар коллежи реконструкция қилинганлиги ва янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилганлиги 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланишига олиб келди.

Йиғилишда депутатлар эътироф этишганидек, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларга кўра, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этганлиги юртимиз таълим тизимининг халқаро эътирофи дейиш мумкин.

Ўтган йили маданият, спорт ва фанни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 108 та болалар спорти объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилган, Самарқанд шаҳрида эшкак эшиш каналини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилган. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий «Бунёдкор» ва «Локомотив», Бекобод шаҳрида «Металлург» футбол стадионлари бунёд этилди.

Ҳисобот даврида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига 156 та болалар спорти объектлари, жумладан, 82 та спорт иншооти, 16 та сузиш ҳавзаси, 58 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга жамғарма ҳисобидан 185,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги йиғилишда алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари мазкур масалага партия позицияси ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб ёндашдилар. Жумладан, таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари, илм-фанни янада тараққий эттириш учун ажратилган харажатлардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор саволлар берилди ҳамда фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифлар ўртага ташланди.

Иштирокчилар давлат бюджети ижросидаги ижобий натижалардан келиб чиқиб, уни маъқуллаган ҳолда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигига эътибор қаратишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2012 йил якунида, фан, таълим, маданият ва спорт соҳасидаги ижроси, шунингдек, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**



ЎзМТДП фракция аъзолари қонунлар лойиҳалари устида ишламоқда.

Фаолият

# “Ёшлар қаноти”

## партияга муносиб қанот бўлиши лозим

***Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиб, жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада ёшларнинг онгу тафаккури юксалиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга қизиқиши, ўз истеъдодини намоён қилишга бўлган иштиёқи ортмоқда.***

Давлатимиз сиёсий майдонида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам кенг кўламли фаолияти жараёнида ёшларни қўллаб-қувватлашни асосий мақсад қилиб белгилаган. Зотан, партия Дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифалардан бири баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Бугунги кунга келиб партия умумий аъзолар сони 161 мингдан ошган бўлса, шундан 82 мингдан ошиғи, яъни 50 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Бу эса катта ютуқ ва куч ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан ташкил этилаётган турли тадбир, лойиҳа, конференция ва форумлар ҳамда ўқув-семинарлар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини бойитиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига хизмат қилмоқда. Буни ўтган давр мобайнида ташкил этилган “Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги” шиори остидаги ёшлар форуми, “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остида ўтган “Озод юртнинг обод гўшаси” номли акция, “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида ўтказилаётган «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида» каби Республика кўрик-танловларда ёшларнинг фаол иштироки ҳамда партия аъзолари орасида ёшлар салмоғининг ортиб бораётганидан билиш мумкин.

Жорий йилнинг ўтган даврида партия “Ёшлар қаноти” томонидан мамлакатимиз миқёсида 13, вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида 9508 дан ортиқ тадбир ўтказилган бўлиб, уларда 85 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Ўтказилган тадбирларимизнинг 18 таси Республика телерадиоканалида, 21 таси марказий газеталарда, 130 дан ортиқ тадбирларимиз вилоят ва туман, шаҳар миқёсидаги оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, партиянинг расмий веб-сайти — **www.mt.uz** да ёритилди. Бу жараёнда «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетасида «ЎзМТДП ёшлари» рукни ташкил қилингани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Зеро, ушбу рукнда «Ёшлар қаноти» етакчилари ва фаоллари мақолалари билан доимий равишда иштирок этиб, ўз фаолиятларини кенг ёритиб бормоқдалар.

Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, «Ёшлар қаноти» олдида бир қатор долзарб мақсад ва вазифалар ҳам тургани бизни янада куч-ғайрат билан ишлашимизни, амалга ошираётган саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришни талаб этади. Энг асосийси — ёшлар ўртасида Ватанга бўлган муҳаббатни, ўз халқига нисбатан меҳр-оқибатни, мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш лозим. Уларда ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан теран мустақил фикр ва соғлом қарашни янада шакллантириш зарур. Бу устувор мақсад-вазифалар партиянинг ҳар бир аъзосидан фаолликни талаб этади.

Глобаллашув жараёнларида юртимиз ёшларининг турли салбий иллатлар ва оқимлар, жумладан, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолмасликлари, интернет тизимидан тўғри мақсадларда фойдаланишига эришиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Шунингдек, демократик жамиятни барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг миллий, маънавий жиҳатдан янада тикланиши ва ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни тарғиб қилишга йўналтирилган тадбирларни, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий билимини оширишга қаратилган ўқув-семинарларни кўпайтириш, депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш ва энг асосийси, партия сафига ёшларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

**Ҳамдам НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси**

Суҳбат

# Мақсадлар муштараклиги фаолликка ундайди

## ЎзМТДП фаоллари партия ғоя-мақсадларини тарғиб қилишга масъул

***Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли кучайиб бораётир. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам юртимизда амалга оширилаётганислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ўз ғоя ва мафкураси билан жамият тараққиётига кўмаклашишга интилиб келмоқда.***

Хўш, бу борада партия ходимлари, фаоллари қай даражада фаоллик кўрсатишмоқда, қандай ташаббус ва таклифлар билан чиқишмоқда? Электорат манфаатларини ҳимоя қилишга, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини таъминлашга қай даражада эътибор қаратилаяпти? Бу борада суҳбатдошимиз ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси аёллар ва ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари, Ўзбекистон давлат Санъат музейи директори Васила Файзиеванинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

— Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда, - дейди суҳбатдошимиз. — Қайси бир соҳага юзланманг, барчасида ривожланиш ва юксалиш одимларини кўриш мумкин. Давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар жараёнида хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол. Сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, спорт ва ҳунармандчилик каби барча соҳаларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш масаласи давлатимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз Бош Қомусимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, ўтган 2012 йил давомида хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани, 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани аёллар ва ёшларга бўлган эътибор намунасидир.

**— Юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар жараёнида Ўзбекистон «Миллий тикланиш” демократик партиясининг ўрни қандай? Унинг позицияси, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларда аёллар ва ёшларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Бу жараёнларда бевосита Ўзбекистон «Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда. Зеро, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлаш, ёшлар ва болаларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партия “Ёшлар” ва “Аёллар қаноти” томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар, кўрик-танлов, учрашув ва тадбирлар ёшлар ва аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, уларни партия сафига жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 10 минг 70 нафар партия аъзоси бўлса, шундан 6000 нафарга яқинини ёшлар ташкил этаётгани қувонарли ҳол.

Яқинда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан шаҳардаги Мингўрик тарихий ёдгорлигида ўтказилган “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остидаги “Озод юртнинг обод гўшаси” ёшлар акциясини алоҳида таъкидламоқчиман. Боиси тадбирда ёшлар ўзгача иштиёқ ва қизиқиш билан фаол қатнашдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ушбу тарихий маскан ва унинг аҳамияти ҳақида маърузалар қилиб, ёшларни муҳим маълумотлар билан таништирдилар. Баъзи ёшлар шаҳримизда ана шундай археологик манзилгоҳ борлигини ушбу акция орқали билиб олишди.

Партиямизнинг хотин-қизлар масаласида олиб бораётган фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳам сезиларли натижалар қўлга киритилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда аёлларнинг мамлакат тараққиёти ва жамият ҳаётидаги ўрни ва иштирокини юксалтиришга қаратилаётган эътибор ЎзМТДП томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланмоқда. “Аёллар қаноти” томонидан ўтказиб келинаётган “Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови хотин-қизларнинг истеъдод ва маҳоратини намойиш қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри миқёсида олтмиш нафардан ортиқ хотин-қизлар ушбу кўрик-танловда иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Кенгашига аъзо хотин-қизлар сони 4898 нафар бўлиб, улар турли соҳа вакилларидан иборат. Партия томонидан ташкил этиладиган тадбир ва учрашувларда улар ўз соҳа ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга ҳаракат қиладилар. Масалан, тадбирлардан олдин ташкил қилинадиган кўргазмаларда ҳунарманд ва касаначи хотин-қизларнинг қўл меҳнати маҳсулларини намойиш қилиш эвазига тадбирнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

**— ЎзМТДП сайловолди Платформасида маданият соҳаси ҳамда музейларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон давлат санъат музейининг партиямиз билан алоқалари қандай? ЎзМТДП ғоявий мақсадларини тарғиб қилишда музей фаолиятидан қай даражада фойдаланилмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам, партия дастурий мақсадларида маданият, санъат соҳалари, хусусан, музейларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаси алоҳида белгиланган. Бундан ташқари партия сафидаги аъзолар орасида ҳам ижодкор зиёлилар, маданият соҳалари ходимлари кўпчиликни ташкил қилади. Биргина Тошкент шаҳридаги партия аъзоларининг 500 нафардан ортиғи маданият соҳаси вакилларидан иборат.

Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳам мамлакатимиз фуқароларини, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўтмишдан фахрланиб, келажакка ишонч билан яшашга ўргатишни мақсад қилган. Нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёдаги энг йирик музейлардан ҳисобланган санъат музейи уч қаватдан иборат. Тўрт бўлимдан ташкил топган маънавият масканида халқ амалий санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби йўналишлардаги асар намуналари намойиш қилинган. Жами 68 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, унинг беш фоизи кўргазма залларига қўйилган.

Бугунги кунда музейда юртимиз рассомларининг қатор кўргазмалари ташкил қилинаяпти. Яқинда бўлиб ўтган “Хотира абадийдир” деб номланган кўргазмада юртимизда яшаб ижод қилган рассомларнинг асарлари намойиш қилинди.

ЎзМТДП Марказий ва Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўзбек рассоми Дилором Мамедованинг асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Партиянинг тадбирларини айнан музейда ўтказиш кўзланган самарани бериши шубҳасиз. Боиси халқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш, бойитиш ва келажак авлодларга етказиш ҳамда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби муштарак мақсадлар партия билан музейни чамбарчас боғлаб туради. Шунинг учун ҳам музей ходимларининг ўттизга яқини ЎзМТДПга аъзо бўлди. Эндиликда уларни партия ғоя ва мақсадлари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида музей қошида бошланғич партия ташкилоти тузиш ҳаракатидамиз.

**— Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда музейларнинг аҳамияти қандай?**

— Музейга ташриф буюрган ҳар бир инсон, албатта, маънавий озуқа олиб, ўзига яраша таассуротларга эга бўлади. Айниқса, ёшлар музейдаги ҳар бир экспонат ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида турли саволлар билан мурожаат қилишади. Бундан билиш мумкинки, уларнинг музей, унда акс эттирилган тарихий ашёларга ва ҳар бир санъат намунасига бўлган қизиқиши юқори. Музейга келувчилар сонига аҳамият берадиган бўлсак, йилига 90 мингдан ортиқ юртимиз ва чет эл вакиллари ташриф буюради. Улар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Чунки Санъат музейидаги ҳар бир экспонат халқимизнинг ўтмиши, тарихи ва ҳаёт тарзидан сўзлайди, миллий, маданий анъаналарини, ўзига хослигини намоён қилади. Ана шундай маданий мерос бойликлари, санъат намуналари ёш авлод вакилларини миллий ғурур, ватанпарварлик, Она юртга садоқат туйғулари билан тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шу боис музейга ёшларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Таълим масканлари билан биргаликда ёшлар маънавиятини юксалтиришга, тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи тадбирлар ўтказаяпмиз.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Муҳтарама КОМИЛОВА**
**суҳбатлашди**

### Қарор ва ижро



(ЎзА) олган сурат.

# Чет тилларни ўқитиш: эҳтиёж ва имкониятлар уйғунлиги

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини амалга оширишда умумтаълим мактабларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан умумтаълим мактабларининг чет тили ўқитувчиларига бўлган талабини тўла қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Мустақиллик йилларида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши мактабларда ёш авлодни чет тилларга ўқитишни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ана шу эҳтиёж туфайли хорижий тиллар чуқур ўргатиладиган ихтисослашган мактабларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услублари жорий этилмоқда.

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослашган умумтаълим мактаби шундай таълим масканларидан биридир. Мазкур мактабда математика, биология-кимё, физика каби инглиз тили фани ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида инглиз тили фани бўйича юқори ўринларни олиб келмоқда. Бу йилги олимпиадада 9-синф ўқувчиси Дониёр Келдиёров вилоятда биринчи ўринни эгаллагани мактабда ўқувчиларга хорижий тиллар бўйича чуқур билим берилаётганининг самарасидир.

Таълим масканида ўқувчиларга инглиз тилини пухта ўргатиш, мулоқот кўникмаларини шакллантириш учун дарсдан ташқари машғулотлар, турли тадбирлар мунтазам ўтказилади. Инглиз тили тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган.

— Ўқувчиларга чет тилидан пухта билим бериш, аввало, педагог кадрларнинг билим ва малакасига боғлиқ, - дейди мактаб директори Дилфуза Садриддинова. — Мактабимизнинг чет тили ўқитувчилари изланувчан, малакали кадрлардан ташкил топган. Олий тоифали ўқитувчилар Нафиса Омонова, Шуҳрат Эшонқулов ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ беришда катта тажрибага эга. Биринчи тоифали ўқитувчи Барно Мардонова инглиз тили фани бўйича "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловида иккинчи ўринни олди. Озод Суннатиллаевнинг саъй-ҳаракати билан мактабимизда инглиз тили кутубхонаси фаолият кўрсатаётир.

Бугунги кунда вилоятдаги умумтаълим мактабларида 905 нафар чет тили ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 612 нафари инглиз тили, 87 нафари немис, 66 нафари француз тили ўқитувчиларидир. Айни пайтда вилоятдаги чет тили ўқитилмаётган 74 мактабда бўш ўринлар мавжудлиги ва 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб барча ҳудудларда чет тилларини, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошланишини эътиборга олсак, кадрларга бўлган эҳтиёж юқорилиги маълум бўлади.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан жорий йилда педагогика олий ўқув юртларининг хорижий тиллар факультетларини битирувчи мутахассислар аниқланиб, улар умумтаълим мактабларининг бўш ўринларига таклиф этилди. Жумладан, бу йил Жиззах давлат педагогика институтини 86, Самарқанд давлат чет тиллар институтини 9, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини 4, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини 5, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 33 нафар - жами 137 жиззахлик йигит-қиз битиради. Шунча ёш мутахассис вилоятнинг чет тили ўқитувчилари сафига келиб қўшилиши кадрлар муаммосини ҳал этиш имконини беради.

Айни пайтда барча мактабларни чет тили ўқитувчилари билан таъминлаш режа асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунда биринчи навбатда чет тили ўқитувчилари бўлмаган мактабларни кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Масалан, Арнасой туманидаги хорижий тил ўқитилмаётган тўртта мактабнинг иккитаси институтни битириб келаётган ёш мутахассислар, иккитаси мактабда ишлаётган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ҳисобига қопланади.

Чет тили ўқитиш бўйича малакали кадрларга эга, бу йўналишда яхши натижаларга эришаётган Жиззах шаҳридаги "Умид" мактаб-интернати, 1, 19-умумтаълим мактаблари, Ғаллаорол туманидаги 2-, 88-, Жиззах туманидаги 4-, Зафаробод туманидаги 1-умумтаълим мактаби базасида ўқитувчилар қайта тайёрланмоқда. Мазкур мактаблардан саралаб олинган ўн нафар малакали инглиз тили ўқитувчиси ушбу курсларга мураббий сифатида жалб қилинди.

— Янги ўқув йилида олий ўқув юртларини битириб келадиган кадрлар ва қайта тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ҳисобига чет тили мутахассисларига бўлган талаб тўлиқ қопланади, - дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси таълим маркази раҳбари Гулчеҳра Абдуллаева. — Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари узлуксиз давом этаётир. Янги ўқув йили бошлангунча 504 нафар инглиз тили ўқитувчиси малака ошириш курсларида ўз билимини оширади.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

### Миллий кураш

# Полвон — эл-юрт ва миллат ғурури

*Она юртимиз қадим замонлардан алп баҳодирлар ватани бўлиб келган. Халқимиз ўша даврларданоқ ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалолликка ўргатган, эл-юрти учун жонини фидо этишга-да тайёр асл полвонлар қилиб тарбиялаган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан аввалги даврларда ҳам юртимиз ҳудудида спортнинг яккакураш тури ривож топиб, у аждодларимизнинг севимли машғулотларидан бирига айланган.*



Айрим қўлёзмаларда ёзилишича, милоддан аввалги VII-VIII асрларда полвонлар ҳақида қўшиқлар айнан бизнинг юртда яратилган экан. Археологик-қидирув ва илмий кузатувларга кўра, Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимги аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, осори-атиқалар, қояларда акс этган расмлар ҳам миллий курашимизнинг узоқ тарихидан шоҳидлик беради.

Наманган вилоятининг қадим ва навқирон Тўрақўрғон тумани азалдан енгилмас полвонлари билан донг таратиб келган. Туман аҳли курашнинг ҳақиқий мухлиси бўлгани учун полвонларини доимо эъзозлаб, алқаб келади. Ўзбек миллий курашининг довруғини кўкларга кўтарган Сойиб полвон, Сиддиқ полвон, Тўйчи полвон, Даврон Бахромов, Баҳриддин Насриддинов, Қоратой Юсупов каби полвонлар хотираси ҳамиша эъзозда. Турли маданий-маърифий тадбирларда, чойхонадаги гурунгларда, гап-гаштакларда уларнинг жасоратлари тилга олинади, ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади. Дарвоқе, тўрақўрғонликлар нафақат жасур ва мард аждодлари, балки ота-боболари изидан бораётган, миллий қадриятимизни олий қадрият деб билган ёш полвонлари билан ҳам фахрланади.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, аниқроғи 1993 йили отамиз Сойиб полвон ташаббуслари билан Тўрақўрғон тумани марказида миллий кураш мактаби ташкил этилди, - дейди миллий кураш мактаби директори Неъматулло Тўйчиев. — Бу мактабга ўз даврида "кураги ерга тегмаган, тенгсиз полвон" дея таъриф берилган бобомиз Тўйчи Сиддиқов номи берилди. Дастлабки машғулотларимизни 25 нафар ёшлар билан бошлаган бўлсак, бугун уларнинг сони минг нафардан ошди.

Қувонарлиси, ўтган йиллар давомида миллий кураш мактабидан 5 нафар жаҳон чемпиони, 15 нафар жаҳон чемпионати совриндори, 5 нафар Осиё чемпиони ва 6 нафар Осиё биринчилиги совриндорлари етишиб чиққан. Улардан 5 нафари "Халқаро тоифадаги спорт устаси", 31 нафари "Спорт устаси" унвонига сазовор бўлди. Мактаб тарбияланувчиларининг 8 нафари миллий кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, 10 нафари терма жамоа аъзолигига номзод саналади. Уларнинг аксарияти устозлари ёнига кириб ёшларга кураш сирларини ўргатиб келаётир.

— Шогирдларимнинг бундай ютуқларга эришишларида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларининг аҳамияти жуда катта, - дейди суҳбатимизни давом эттириб Н.Тўйчиев. — Уларнинг спорт оламида юксак марраларни эгаллашида бу тизим ўзига хос парвоз майдони вазифасини ўтамоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда биринчи бўлиб белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлган, уч карра жаҳон, ўн карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси сулола давомчиси Рустам Умаров ҳам уч босқичли тизимнинг барча мусобақаларида қатнашиб, катта тажриба тўплаган.

— Кураш нафақат жисмоний беллашув, балки ғурур ва ор-номус майдони ҳамдир. Курашда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бор. Муҳими ғолибликка ишонишингда, юрагингдаги Ватанга бўлган муҳаббатни зафар қўшиқлари билан шарафлашингда, - дейди ўз шогирдларини юртига садоқат руҳида тарбиялаётган Рустамжон, суҳбатга қўшилиб.

Киши ўз ютуғидан бир карра қувонса, шогирдлари ютуғидан минг карра шодланар экан. Бу туйғуни биз устоз-шогирд, қолаверса, сулола анъаналарини давом эттириб келаётган Неъматулло Тўйчиев ҳамда Рустамжон Умаровлар билан бўлган суҳбат давомида янада чуқурроқ англадик. Сабаби, ҳар иккала спортчи суҳбатимиз давомида ўзларидан-да кўпроқ шогирдлари ҳақида фахрланиб, тўлқинланиб гапиришди. Ёшларнинг қўлга киритган ютуқлари-ю, ғайрат-шижоатлари ҳақида сўзлашдан чарчашмади. Юксак муваффақиятларни қўлга киритишларида эса спортни жон дилдан севувчи, полвонларга чин юракдан ишқибозлик қилувчи Тўрақўрғон аҳлининг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Миллий кураш мусобақалари сабаб дунёнинг бир неча давлатларида бўлдим. Ўзбекистон номидан майдонга тушиб ғолиб бўлган шогирдларим шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда, кўнглим ғурурга тўлади. Шундай дамларда Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам" деган гаплари кўнглимдан кечади, - дейди Неъматулло ака машғулот ўтказаётган алпқомат ёшларга қарата.

— Ўтган йили август ойида Россиянинг Рязань шаҳрига Жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун йўл олдик. Халқаро мусобақага илк марта чиқаётганим учун бутун вужудимни ҳадик ва ҳаяжон қамраб олган эди, -дея хотирлайди, 2009 йилдан буён белбоғли кураш билан мунтазам шуғулланиб келаётган Абдуқаҳҳор Эргашалиев. — Аммо мусобақалар бошланиши билан мендаги қўрқув ўрнини ишонч эгаллади. Устозимнинг ўгити, ҳамжиҳатликдаги меҳнатимиз самара бериб, юртга Жаҳон чемпиони бўлиб қайтдим.

Тўққиз ёшидан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган 18 ёшли Файзулло Мунисжонов аллақачон ўз вазн тоифасида уч карра Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган тиришқоқ ёшлардан. Унинг таъкидлашича, ўтказилаётган турли мусобақалар спортчиларнинг маҳорати юксалаётганидан ва юртимизда бу соҳа изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Нуфузли мусобақаларда иштирок этиш орзуси билан тинимсиз ишлаётган ёш спортчининг гапларида жон бор. Аслида ҳам миллий спорт турлари, хусусан, курашга берилаётган юксак эътибор самарасида бугун ўзбек полвонлари юртимиз байроғи остида мамлакат шаъни ва обрўсини ҳимоя қилишмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "қувончим, ифтихорим, ғururим — Ўзбекистон" дея беллашмоқдалар. Ватан номини оқлаб, мардлик ва шижоат кўрсатишмоқда. Аҳамиятлиси, бундай мусобақаларда ёш курашчилар иштирокининг салмоқли экани авлодлар давомийлиги, оталар ишининг давомчиси бўлишдек қадриятларимизга хизмат қилади.

**Фармуда МУРОДОВА**

### Ёшларга доир давлат сиёсати — амалда

# Биз буюк юрт фарзандларимиз



Андижон вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий тадбир ёшларни истиқлол ғоялари ва Ватанга муҳаббат руҳида, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестиваль доирасида вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. "Президент асарлари билимдони", "Депутат ва ёшлар", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган фестивалнинг якуний қисмида беш минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирларда фаол қатнашган бир гуруҳ ёшлар турли номинациялар бўйича муносиб тақдирланди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов иштирок этди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Эълон** **«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 18 июль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 243-уйда жойлашган Тошкент вилояти ИИБ балансидаги 1991й. и/ч, д/р 01/216ОСА, бошланғич нархи 33 578 700 сўм бўлган «ИКАРУС-256» русумли; Тошкент ш., Хамза тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 70-уйда жойлашган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси балансидаги 2000й. и/ч, д/р 01/356GAA, бошланғич нархи 10 311 000 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45 уйда жойлашган Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси марказий Кенгаши балансидаги 2007й. и/ч, д/р 01/778ССА, бошланғич нархи 15 046 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар накд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 30 май куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, Тошкент давлат Шарқшунослик институти балансидаги д/р 01/069QCA бўлган «Дамас» — 7 200 000 сўмга, д/р 01/074QCA бўлган «ГАЗ-310290» — 3 700 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Марказий майдонларни ободонлаштириш ихтисослаштирилган бошқармасининг 2013 йил 6 июндаги 165-сонли хатига асосан ушбу ташкилот балансидаги д/р ЕР0883 бўлган «ЭО-2621В-2»; д/р ЕО1225 бўлган «КО-206»; д/р 01/969RBA бўлган «АВИА А311КС»; д/р 01/967RBA бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмаси Марказлашган автокорхонасининг 2013 йил 7 июндаги 147-сонли хатига асосан ушбу ташкилот балансидаги д/р 01/394НСА бўлган «KARSAN PEUGEOT» русумли автомототранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Тоштарошлик санъати



# Тошлар тилга кирганда...

**СУЛОЛА**

Тоштарошлик санъати жуда узоқ тарихга эга, дейди суҳбатдошим, Нуротанинг ана шу санъат тури тараққий этган Ғозғон қишлоғилик уста Тоир Раҳимов. У шажарасидаги тоштарошларнинг еттинчи авлоди. Уста Мўмин, Уста Олим, Уста Ҳамид ишининг давомчиси. Тоштарош устасининг набираси, дея тан олинган Абдураҳим Турдиев бутун Туркистонда машҳур уста ўтган. Уста Тоир, у кишининг ўғли Рафиқжон ва шогирдлари улар ишини давом эттиришмоқда. Тоштарошлик дастлаб уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандчилик, кейинчалик нақш, жило ва тошдан ҳайкал йўниш шаклида тараққий этади. Ғозғонда тоштарошлик санъатидан Туркман Эсонов, Чўли Эсонов, Эркин Абдуллаев сингари донгдор сиймолар мактаби шаклланди. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли барча соҳалар тарихида из қолдирган буюк сиймолар номлари тикланди, уларнинг хоки пойи табаррук зиёратгоҳга айланди. Инчунун Ғозғонлик тоштарошлар санъатига ҳам эҳтиёж оша бошлади. Ҳозирда Республикамиздаги юзлаб табаррук қадамжоларда уста Тоир Раҳимовнинг ясаган меъморий нақшлари, улуғ уламолар қабри устидаги сағана ёзувлари сақланиб турибди. Мамлакатимиз Президенти томонидан соҳага катта эътибор қаратилиб, фидоий тоштарошларга юксак мукофотлар насиб этди. 2004 йилда Уста Тоир фидокорона меҳнатлари учун "Шуҳрат" медали, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Тоштарошлик санъати шунчаки ишлашни ёқтирмайди. У жуда катта матонат, билим, чидам ва изланишни талаб қилади. Ҳозиргача унинг ўйиқ ва бўртиқ йўналиши шаклланган. Ҳар қандай нақш, ўйма ёзув, ҳайкал ёки миллий ҳунармандчилик намуналари шу икки усулда яратилади. Гарчанд машаққати кўп бўлса-да, уста Тоир асосан бўртиқ усулда ижод қилади. Ҳар бир асари устида изланишга вақтини аямайди. Қўл остида ишлаётган Собир Аупов, Рафиқжон Раҳимов, Нурбек Аҳмедов, Фазлиддин Аҳмедов, Бекзод Ҳамроев, Ёқуб Шукуров, Шерзод Беков, Сухроб Рамазонов, Шодмон Элов, Тоҳир Бозоров, Йўлдош Рамазонов каби шогирдларини машаққатдан кечмасликка ундайди. Чунки тош санъати ниҳоятда бежирим бўлиб, синчковлик ва сабрни талаб қилади. Тоштарошлик меъморчилик, чизма (тарҳ)ни тушуниш, наққошликдан бохабар бўлиш, фантазия, тасаввур ва мушоҳада уйғунлиги натижасида воқе бўлади. Айни шу маънода беихтиёр, тоштарошлик ҳам санъат, ҳам илм унсурларидан таркиб топади.

**УСЛУБ ВА УСУЛ**

Қадим давлатчилигимиз тарихида ўзига хос тарзда тоштарошлик санъати ривожланган. Масалан, Хоразм, Бухоро, Қўқон, Қарши ва Самарқанд услуби бир-бирини такрорламаган. Бунда ҳатто ўша ҳудуднинг иқлим шароити, ернинг шўрлиги ҳам инобатга олинган. Айни пайтда жонажон диёримизнинг 100 дан ошиқ мажмуаларида уста Тоир Раҳимов томонидан ишланган тош ўймакорлиги санъати намуналари бор. Самарқанддаги Амир Темур жомеъ масжиди буржи, Шоҳизиндадаги кўплаб мақбара тошлари Сурхондарёнинг Вахшиворидаги машҳур шоир Сўфи Оллоҳёр қабр тоши, Бухородаги Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мир Саййид Кулол, Хўжа Исмат Бухорий, Бобо Самосий, Хўтжаи Азизон, Ҳазрати Имом Ҳожатбарор, Термиз шаҳридаги Ҳаким ат-Термизий, Қашқадарёдаги Хўжа Жарроҳ, Мирсаид Ҳайдар, Касбидаги Муродбахш ота, Муборак туманидаги Муборак ота, Карманадаги Қосим Шайх хонақоси пештоқи ва Нуротадаги Шайх Абул Ҳасан Нурий, Чил устун жомеси, Панжавақтга катта гумбаз масжиди ва яна бир қанча меъморий мажмуаларда Уста Тоир Раҳимовнинг муносиб меҳнати самараларини кўриш ва гувоҳи бўлиш мумкин. Уларни шунчаки томоша қилиб бўлмайди.

**ТАСАВВУР ВА МУШОҲАДА**

Уста Тоир ҳар бир алломанинг қабр тошига сағана ясашдан олдин у яшаган ўша давр ва муҳитни тўлақонли тасаввур қилишга ҳаракат қилади. У киши асосан бухоролик моҳир хаттот ва тоштарош Абдулғофир Раззоқ Бухорий ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари кўмагига таянади, матнларнинг зер-забари, имловий шакли ва андозасини хомчўт қилади. Мамлакатимиз жамоатчилиги Андижонда Зокиржон Машрабов бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур изидан уюштирган экспедициялари натижасида янги манба ва топилмаларни кашф этишаётгани, буюк бобокалонларимиз руҳини шод этиб, сиймолар қабрларини обод қилишаётганидан хабардор. Ана шу делегация аъзолари бир гуруҳ олимлар, шоир, ёзувчи ва адабиётшунослар навбатдаги сафарларидан Мавлоно Лутфий ҳазратлари қабрига сағана тоши қўйиш мақсадида ғозғонлик уста Тоир Раҳимовни танлашади. Ҳозирда Афғонистоннинг Деҳи Канор қишлоғида Мавлоно Лутфий қабри устида уста Тоир Раҳимов ясаган сағана тоши турибди.

**ҒОЗҒОН ВА ҒОЗҒОНЛИКЛАР**

Ғозғон қишлоғи Нуротадан чиқаверишда. Шоҳмардон мажмуаси, Деҳибаланд қўрғони, Пироста мудофаа девори билан танишгач бу ерлар қадим тарихга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бу ерда азалдан мармар кони мавжуд бўлиб унга турли хил шакл ва зеб бериш урф бўлган. Ноёб табиат неъмати — Ғозғон мармари Сурхондарё, Қашқадарё, Жом ёки Ургут мармарларидан фарқ қилади, "Ғозғон камалаги" деб таърифланади. Ғозғон мармари 9 хилдан иборат бўлиб, реставрация, замонавий иншоотлар, метро қурилиши, мақбара мажмуаси, замонавий дизайндаги барча қурилиш ишлари учун фойдаланилади. Ғозғон мармари 2000 йил Париж шаҳрида халқаро кўргазмада "Катта олтин" медал билан тақдирланган. Ғозғон мармари бугун мустақиллик боис, Ватанимиз бунёдкорлиги учун хизмат қилмоқда.

— Ғозғонда тоштарошлик санъати бир неча босқичда шаклланган, - дейди шу қишлоқдаги 6-умумтаълим мактаби директори, халқ таълими аълочиси Ўктам Бўронов. Қишлоғимиздаги Шоҳимардон мажмуасини ғозғонлик усталар барпо этишган. Унинг қурилганига гарчи 100 йилдан ошган бўлса-да ўз ҳолатини йўқотган эмас. Ғозғон тоштарошлик санъати мактаби анъаналарини давом эттириш учун мактабимизда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Эркин Абдуллаев бошчилигида қирқ кишилик тўгарак ташкил этилган. Тўгарак аъзолари ота-боболаримиздан қолган бу улуғ анъанани давом эттириб, туман ва вилоят миқёсидаги турли танловларда нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мактабимиз ўқувчиси Ҳамза Раҳимов тасвирий санъат йўналишида "Янги авлод" ва "Келажак овози" танловларида иштирок этиб нуфузли ўринни эгаллади. Собиқ ўқувчимиз Рушана Ҳусанова, 9-синф ўқувчимиз Моҳинур Раҳматуллаева ҳам ганчкорлик санъати йўналишида вилоятда фахрли ўрин соҳиби бўлишди. Бу ноёб касб бизга ота-боболаримиздан мерос, уни асраб-авайлаш ёки авлодларга ўргатиш, янги иқтидорларни вояга етказиш зиммамиздаги масъулиятли вазифадир. Тошдан меъморчилик анъаналари, айниқса, қишлоғимизда Ғозғон align кончилик коллежининг очилиши, таълим узвийлигини таъминлаш, ёшларни шу ернинг ўзида мармар конида иш билан таъминлашга шароит яратди. 2012 йилда яна 20 та янги замонавий уй, замонавий қишлоқ врачлик пункти, 560 ўринли мактаб ва спорт заллари қурилди. Ғозғон тоштарошлик мактабини келажакда янада ривожлантириш ниятидамиз.

Ғозғонга борган кунимиз Пашшоб шаҳри харобаларини кўришга улгурмадик. Аммо аҳолининг айтишича, Пашшоб шаҳри харобалари айниқса эрта баҳорда Ғозғон тепалигига чиқиб кузатилса, шаҳар девори кўм-кўк майсалар орасидан худди чизма (тарҳ) сингари яққол кўзга ташланаркан. Демак, бир неча асрлар муқаддам бу ерда чинакам шаҳар қад ростлаган.

**НУРОТА ТАЪРИФИДА**

Қадим Нур қалъаси ҳақида илмий оммабоп, тарихий энциклопедик манбаларда кўп ёзилган. Шу боис биз унинг бугунги куни ҳақида тўхталмоқни ният қилдик. Мамлакатимиз пойтахтидан 480 км, денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган Нур чашмаси Нур ота-Шайх Абулҳасан мақбараси, IX аср ёдгорлиги Чилустун жомеъси, XVI асрда қурилган Панжавақта катта гумбаз масжиди, Нургулота қудуғидан иборат яхлит табиий — меъморий мажмуадир. Булоқ суви қиш-ёзда бир хил — +19,5 градус. Бу ҳақда жуда кўп ривоятлар бор. Ховуздаги балиқларни муқаддас санашади.

— Вилоят ҳокимлиги Шайх Абул Ҳасан Нурий қабри бошига Нурота тошидан ихчам, қулай мақбара ясашни менга топширди - дейди уста Тоир Раҳимов. — Очиғи, узоқ ўйландим. Бу ишга пойтахтдан ҳам уста-ю, меъморлар жалб қилинган эди. Бироқ улар Нурота меъморчилик мактаби, мармар ранги, миллий колорити ҳақида тўлақонли тасаввурга эга эмасдилар. Биз болалигимизда Чилустун, Панжвақта гумбази қурилиши ҳашарларида қатнашганмиз. Мақбарага аввал тош, кейин рангини танладим. Аллома қабрини ўраб турувчи, айвон шаклида тўрт бурчак ихчам мақбара тарҳини тайёрладим. Мақбара мажмуа қурилиши якунланган кунларда ўрнатилди. Узоқдан қаралса тошдан ўйиб олингандай кўринади. У аслида қисмлардан иборат бўлиб, кейин терилган. Хуллас буюк алломанинг руҳи-поки олдида ўзимнинг фарзандлик бурчимни бажардим. Нуротага зиёратга келган, хоҳ юртдошимиз, хоҳ хорижлик бўлсин, мен қурган мақбарани кўриб хурсанд бўлса ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Шоир Тошпўлат Аҳмад Нуротага шундай таъриф берган:

**Табиат Нур ато этмиш,**
**бу ерни Нурота дерлар,**
**Кимки кўрмаган бўлса,**
**қилибдур у хато дерлар.**
**Чўзиб бўй қоялари кўкка,**
**бу осмон устуни гўё**
**Азалдан бу ерни жаннат,**
**бу жаннат Нур-зиё дерлар.**

**МУАЛЛИФ ИЗОҲИ:**

Мамлакатимизда тоштарошлик санъати жуда узоқ ва ўзига хос тарихга эга. Бу санъатнинг ўзига хослиги — боқийлиги ва ўлмаслигида. Инсоният яралибдики, унга мурожаат қилади, у билан ёнма-ён яшайди. Унинг боқийлигига ишора қилиб бошинг тошдай қотсин деб дуо қилишади. Тош аслида забонсиз. Унга жило бериш эса инсоннинг қувваи ҳофизасида.

Мамлакатимизнинг ҳунармандчилик тараққий этган кўплаб гўшаларида тоштарошлик мактаб сифатида шаклланган. Самарқанд вилоятининг Қарнаб, Қашқадарё вилоятининг Лангар, Ургут, Ғиждувон томонларда тоштарошлик услуб ва анъаналарига эга. Ҳар биримиз зиёрат чоғлари тошбитикларга дуч келамиз, лекин уларнинг маъноларини уқишга ожизлик қиламиз. Ҳолбуки бу тошбитиклар сизу бизга неча-неча асрларнинг нарёғидан сўзлайди. Улар ҳануз пурҳикмат маъноларни, сиру асрорларни сақлаб келмоқда.

2011 йил мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан ажойиб туҳфа — "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" китоби чоп этилган эди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан нашрга тайёрланган, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа уйи томонидан чоп этилган мазкур китобда юртимиздаги тарихий обидалар муҳрланган Қуръон оятлари, битиклар, халқимиз хаттотлик санъати намуналарининг асл матни ва мазмуни хусусида сўз юритилган. Катта изланишлар самараси бўлган бу асарда тош ўймакорлигига асосланган хаттотлик намуналарида қанчадан-қанча тарихий аҳамиятга эга бўлган қимматли ёзувлар жамлаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Тоир Раҳимов ана шундай эзгу ва машаққатли касбга ҳаётини, умрини ва ўзлигини бағишлаган инсонлардан биридир.

**Ўлжабой ҚАРШИБОЙ**

Таълим

# Инклюзив таълим жараёни

**Қўқон педагогик коллежида ўз самарасини бермоқда**

***Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётир. Ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида, албатта, билимли ва малакали кадрларга катта эҳтиёж сезилади. Ҳозирги ёшлар замонавий билим масканларида таълим олиш билан бир қаторда меҳнат бозори талаб қилаётган касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб етишмоқдалар.***

Таълим тизими ва мазмунини демократлаштириш давлатимизнинг устувор сиёсати бугунги ёшларни ҳар томонлама ривожланган, етук, дунёқараши кенг, билимли ва баркамол шахс қилиб вояга етказишдан иборат. Шу ўринда жамиятимизнинг бир қисми бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбия олиши учун қулайликлар яратиш давлатимизнинг алоҳида эътиборида бўлиб келмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига биноан психик ва жисмоний муаммолари бўлган болалар ва ўсмирларнинг таълим олиши ва соғлиғини муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида махсус таълим муассасалари ташкил қилинган.

Навқирон авлодга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги эзгу ишларда эҳтиёжли болаларга эътибор, билим беришда инклюзив таълимни ривожлантириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Инклюзив таълимда ўқувчиларнинг муваффақиятли билим олишлари учун керакли имкониятлар яратиб бериш қайд этиб ўтилган.

Имконияти чекланган ўқувчиларнинг руҳиятида тортинчоқлик, ҳадиксираш, кўпчиликка аралашмаслик каби хусусиятлар кузатилади. Айримлари эса соғлом ўқувчига нисбатан шижоатли ва ғайратли экани билан ажралиб туради. Буни коллежимизда таълим олаётган 7 нафар ўқувчининг фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ана шу болаларни таълимга жалб этишда уларни маънавий қўллаб-қувватлаш, кундалик руҳиятини ўрганиш, жисмонан соғлом ва ақлан баркамоллигини ошириш учун психолог мураббийларни бириктириб қўйганмиз. Улар ёшларимизнинг шахсий, ижтимоий жиҳатларини мукаммал ўрганиб, ота-онаси ҳамда устозлари билан ҳамкорлик асосида иш олиб бормоқда. Коллежимизда имконияти чекланган ўқувчиларга таълим беришда ўқитишнинг замонавий, интерфаол методларидан унумли фойдаланиш самара бермоқда. Вояга етмаган ўсмир ўғил-қизларнинг психологияси, улардаги анатомик-физиологик ўзгаришлар ва саломатлиги юзасидан ҳам турли фойдали маслаҳат ҳамда кўрсатмалар бериб боришади. Натижада, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга қизиқиши ортиб, таълим жараёнларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Таълим жараёнида ўқитишнинг "Ақлий ҳужум", "Кластер", "Ўзингни англа", "Бирбиридан ажратиш" ҳамда "Баҳс-мунозара" каби методларни айнан имконияти чекланган (таянч ҳаракатида нуқсони бор, заиф кўрувчи) ўқувчилар ўқиётган гуруҳларда қўллаш уларнинг диққатини жамлаш, қизиқиш, интилиш ва масъулиятини оширишга ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўз қизиқишлари бўйича қўшимча билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун турли тўгаракларга жалб қилинган. Масалан, қизиқиш ва иқтидорига қараб Мубина Меликўзиева, Ҳанифа Одилова каштачилик, Нафосат Тошматова расм чизиш, Турсунали Ҳамроқулов, Мукаммалхон Ғуломова, Муяссар Умрзоқова санъат йўналишидаги тўгаракларга қатнашади. Таълим масканимизда ёшларимизнинг чуқур билим олишлари ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

Ана шундай имкониятлар натижаси ўлароқ ўқувчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқли. Яқинда Россиянинг Анапа шаҳрида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада ўқувчимиз Бектемир Меликўзиев 64 кг. вазнда иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Севара Меҳмоналиева қўл жанги бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида ғолиб бўлди. Нодирабегим Мелибоева футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Нодирабегим Умархўжаева эса "Ораста қизлар" танловининг республика босқичида иштирок этади. Ўқувчиларимиз, шунингдек, Республика фан олимпиадаларининг шаҳар, вилоят босқичларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Қувонарлиси, бундай ютуқларимизнинг сони жуда кўп.

**Нафиса УСМОНОВА,**
**Қўқон педагогика коллежи директори,**
**ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати**

Реклама ўрнида

# "Трастбанк": кредитлар кичик бизнесга йўналтирилмоқда

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

***Мамлакатимиз минтақалари иқтисодиёти ривожида тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли бизнес режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштириш "Трастбанк" хусусий очиқ акциядорлик биржа банки фаолиятининг устувор йўналишларидан саналади.***

Бу борада банк кичик бизнес субъектлари, айниқса, ёш тадбиркорлар ўртасида давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлар, кредит хизматларининг қулайликлари хусусида кўплаб тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

"Трастбанк" ХОАББнинг Сурхондарё вилояти Термиз филиалида ташкил этилган навбатдаги семинари айнан "Банк кредитларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзуига бағишланди.

Тадбирда кичик бизнес субъектлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди. Семинар иштирокчиларининг таъкидлашича, банк томонидан хўжалик субъектлари учун қулай шартларга эга хизмат турлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳақда тадбиркорларни ўз вақтида хабардор этишга алоҳида эътибор берилади. Бу ўз навбатида банк ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Буни банкнинг кўп йиллик мижозлари ҳам тасдиқлайди.

***Баймурад ТЎХЛИЕВ, "SURXONDARYO SAVDO IMPEKS" МЧЖ раҳбари:***

— Мен оилавий тадбиркорман. Дастлабки пайтларда озиқ-овқат, ноозиқовқат маҳсулотлари улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиб келдик. Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида "Трастбанк"нинг "Термиз" филиалидан 350 млн. сўм кредит олдик. Шунингдек, 195 минг АҚШ долларига Хитой Халқ Республикасидан вафли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари олиб келинди. Ускуналар тўла қувватда ишлаяпти. Корхонамиз томонидан тақдим этилган бизнес режага биноан 2013 "Обод турмуш йили"нинг биринчи чорагида кунига 2 тонна 12 турдаги вафли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иш ўринларини йигирматага етказиш кўзда тутилган. Ишлар режадагидек боряпти. Энг муҳими, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шарофати билан оилавий даромадимиз сезиларли даражада ошди. Семинарда оилавий тадбиркорлик субъектларига, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит бўйича мурожаатларини тез муддатда кўриб чиқишни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани кўнгилдаги иш бўлди.

***Бахтигул АЛИМОВА, "Yangiyer ulgurji savdo" МЧЖ раҳбари:***

— "Трастбанк"нинг "Термиз" филиалидан олган кредит эвазига узоқ қишлоқ ҳудудларида боғдорчиликни йўлга қўйдик. Банкнинг молиявий кўмаги асосида бизнес ташаббусларимиз ўз ижобатини топиб, кредит ёрдамида қўшимча даромад топиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Йил охирига қадар яна 85 киши ишли бўлиши кутилмоқда. Мамлакатимизда безакли, мевали дарахт кўчатларига эҳтиёж ҳамиша катта бўлган. Биз бу соҳани минтақамизда янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Семинарда "Трастбанк"ХОАББнинг Термиз филиали жамоаси томонидан ота-боболаримиздан бизга қадар етиб келган амалий санъат турларини ривожлантиришга кўмак бериши, оилавий ҳунармандлар, амалий-санъат усталари фаолияти ҳамда сайёҳлик хизмати мажмуаси равнақини ошириш йўлида ҳамкорликка тайёр эканини билдиришди. Бундан кейин ҳам "Трастбанк" билан ҳамкорлигимиз давом этади, деган умиддаман.

Ўтган йил якунларига кўра, "Трастбанк"нинг Термиз филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи учун 6 млрд. сўм миқдорида кредит ресурслари йўнатирилган. Жорий йилда эса бу рақам икки баробарга кўпайиши кутилмоқда.

Семинар иштирокчиларига ўз бизнесини қандай йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган субъектларга яратилган солиқ имтиёзлари хусусида маълумотлар берилди. Тадбирда ўз меҳнатининг ижтимоий моҳиятини англаган, ўз иқтидори ва фаоллиги билан ажралиб турган ташаббускор иштирокчиларга "Трастбанк" томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Банк ахборот хизмати**

Бизнинг шарҳ

# Япон парламенти

**Япония парламенти — Каккай — мамлакатдаги олий давлат ҳокимияти органи бўлиб, у қуйи палата — Вакиллар ва юқори — Маслаҳатчилар палатасидан иборат. Мейдзи Конституцияси қабул қилингач, яъни 1889 йили мамлакатда илк парламент ўз ишини бошлади**



*1947 йилда замонавий янги Конституцияга асос солинган. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир сайловчи икки маротабадан овоз беришга тўғри келади. Дастлаб, сайлов округидан номзоди кўрсатилган шахсга, кейин эса партия учун овозлар берилади. Қонунга кўра, 20 ёшга тўлган ҳар бир япон фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. Вакиллар палатасига — Сюшин яширин овоз бериш йўли билан 500 депутат, юқори палатага, Ваншинга эса 252 маслаҳатчи сайланади. Маслаҳатчилар палатаси ҳар 3 йилда янгиланиб турилади. Қонунда белгилаб қўйилган Вазирлар Кенгаши талабига биноан император акти билан қуйи палата муддатдан аввал тарқатиб юборилиши ҳам мумкин.*

Палата аъзоларининг резолюцияси билан қонун чиқарувчи олий идора вакилининг иш фаолияти тўхтатилади. Маслаҳатчилар палатасига 30 ёшгача, вакиллар палатасига эса 25 ёшгача бўлган фуқароларнинг сайланиши қонунда белгилаб қўйилган. Кунчиқар юртда кўп давлатлардагидек қуйи палата катта ҳуқуқга эга, яъни бош вазирнинг номзоди кўрсатилиб, ҳукуматга ишончсизлик билдиради. Япония дунёдаги ихтисослашган профессионал парламент бўлиб, 2000 йилда тасдиқланган қонунга мувофиқ аҳоли сони қанчалигидан қатъий назар вакиллар палатаси депутатлари сони 500 нафардан ошмаслиги лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония парламент биносига деярли ҳар куни мактаб ўқувчилари, хорижлик ва маҳаллий фуқаролар саёҳатга олиб келинади. Депутатлар кун тартибига қўйилган қатор масалалар, масалан, Бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этиб, уни маслаҳатчилар палатасига тақдим этади. Юқори палатадагилар бу ҳужжат бўйича якуний бир тўхтамга кела олмаган тақдирда вакиллар палатасининг қарори бир овоздан тасдиқланади. Парламент биносида бўлган вақтимизда бизга қонун лойиҳасини муҳокама этиш соатлаб, ҳатто уч кунгача чўзилиб кетган кунларни ҳам эслатишди.

Сайловга тайёргарлик кўриш иши билан — суперииндентант шуғулланса, ички ишлар вазирлиги назоратчилик вазифасини бажаради. Сайлов комиссияси аъзолари давлат хизматидаги юқори лавозимдаги шахслардир. Маҳаллий ижроия органлари вакиллари, шу жумладан, солиқ инспекторлари сайловда ўз номзодини илгари суришдан маҳрумдир. Маслаҳатчилар палатасига сайланмоқчи бўлган номзод 2 миллион иен, вакиллар палатасига эса 3 миллион иен гаров пули тўплаш шарт. Борди-ю номзод сайловчиларнинг етарли овозини тўплай олмаса, у ҳолда ушбу маблағ давлат ғазнасига ўтказилади. Сайлов кампанияси даврида номзодлар бир-бирига дўстона муносабатда бўлиши талаб этилади. Ҳар бир номзодга телевидение орқали бор-йўғи 3 дақиқа бепул чиқишга рухсат берилади. Қўшимча вақт олиш мумкин эмас. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун давлат номзодга газетадан 5 маротаба 647 сантиметр ҳажмда сурати билан реклама берилиши таъминланади.

Парламент сайловида иштирокчиларга 350 мингта, префектура губернаторлари сайловига 8 мингта ва кичик-кичик шаҳарларга 800 та откриткалар тарқатилади. Афишалар фақат белгиланган жойларга осилиши лозим. Акс ҳолда катта миқдорда жаримага тортишлари ҳеч гап эмас. Ҳар бир палатада 12 тадан 18 тагача доимий қўмита мавжуд. Сайловдан сўнг барча депутатлар ўз ҳуқуқий малакаларини оширишлари шарт. Япония парламенти кутубхонасида 4 миллионтагача китоб, 2 миллионга яқин диссертация ишлари сақланмоқда.

Император 1946 йилнинг 3 ноябрида янги Конституцияга имзо чекди. 1947 йил 3 майда эса янги ҳужжат кучга кирган. Қомус 11 та банд ва 103 та моддадан иборат. Конституциявий монархияга асосланган бошқарув тизими бўлса-да, император давлатни тўлиқ бошқара олмайди. У миллат бирлиги ва рамзи бўлиб қолган. Парламент аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда амалдаги конституцияга ўзгартириш киритилади. Япония парламентида Либерал демократик партия, Социал демократик партия вакиллари энг кўп ўринларни эгаллаган.

Либерал демократик партия аъзолари 1954 йилдан буён ҳукуматни бошқариб келмоқда. Улар орасида Дзюнитиро Коидзуми уч бор ўз лавозимига қайта сайланган. Амалдаги ҳукумат раҳбари Синдзо Абэ 2005 йилнинг 1 сентябридан 2006 йилнинг 26 сентябригача фаолият юритган. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилганидан сўнг ўз ўрнини бўшатишга мажбур бўлди. 2009 йилнинг 30 августида ўтказилган парламент сайловида мухолифатдаги социал демократик партия вакиллари энг кўп овоз тўплаб ҳукумат тепасига келди. Уч йиллик танаффусдан сўнг халқ яна Либерал демократик партия тарафдорларини қўллаб-қувватлади. Улар, айниқса, қишлоқ туманларда яшовчи консерватив руҳдаги аҳоли ишончини қозона бошлади. Либераллар экспортга асосланган жадал иқтисодий тараққиётни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ундан ташқари АҚШ билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш кун тартибида турган асосий масала бўлган. Ҳозир ҳам Либерал демократлар олдида ечимини кутаётган талайгина муаммолар мавжуд. Демократик партия вакили бош вазир Йосикихо Нода истеъфога чиққандан сўнг "Шаҳзода" тахаллуси билан ном қозонган Абэ иккинчи бор ҳукуматни бошқаришга тушди. Либерал демократик партия яна халқ ишончини қозона бошлади. Нода бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши ижтимоий ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмади. Либерал демократлар эса юзага келган ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш, атом энергетикаси хавфсизлигини таъминлашга ваъда қилмоқда.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**Парламентнинг янги биноси 1920 йилда бошланиб, 17 йилдан сўнг фойдаланишга топширилган. 1936 йилнинг 7 ноябрида бинонинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Япония парламенти тўғри бурчакли темир бетондан қурилган 3 қаватли гранит билан қопланган.**

**Япония парламенти биноси пойтахт Токиода император Мэйдзи даврида қурилган. 1890 йили ёғоч материалларидан бунёд этилган бинода император парламентининг 1-сессияси бўлиб ўтади. Ёнғиндан сўнг мазкур идора бир неча ой давомида бошқа бинода мажлисни ўтказишга мажбур бўлади.**

Рангин дунё

# Усти ёпиқ орол





*Германия Федератив Республикаси марказий Европада жойлашган. Пойтахти Берлин шаҳри. Майдони 357041 квадрат километр. Аҳолиси 81 миллиондан зиёд. Мамлакатда металлургия, кимё, автомобилсозлик, кемасозлик ва электротехника соҳаси яхши ривожланган. Сўнгги йилларда Германия экологик туризм йўналишида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Тропик ўрмонзорлари, денгизу шаршаралари билан дунёга донг таратган сунъий орол айнан шу ўлкада бунёд бўлган.*

Улкан дрижабл кўринишидаги мажмуа Краусник шаҳрида, Дрезден ва Берлин оралиғида жойлашган. Иншоот дунёдаги энг катта сунъий тропик орол ҳисобланади. Унинг тропик ўрмонларида 30 мингга яқин дарахт, бута ва ўсимликлар ўсади. Умумий майдони 66 минг квадрат метрга тенг оролнинг узунлиги — 360, эни — 210, баландлиги эса 108 метр. Иншоот қурилишида 14 мингга яқин пўлатдан фойдаланилган. Мажмуа шу қадар улканки, унга бемалол 8 та футбол майдони, Озодлик ҳайкали-ю Эйфель минорасини (энига) сиғдириш мумкин. Орол-ангарнинг томи остида умумий майдони 70 минг квадрат метрга тенг ҳовузи ҳам бор.

Англаган бўлсангиз сунъий орол баҳайбат дрижабллар туриши учун мўлжалланган ангар ўрнида барпо этилган. Мажмуа қурилиши 2000 йили бошланган жойида тўхтаб қолади. Орадан икки йил ўтиб, ярим чала ангарни Star Cruises (Малайзия) компанияси раҳбари Колин Ау сотиб олди. Ангарнинг янги эгаси кўп ўйлаб ўтирмай иншоотни сунъий оролга айлантиришга қарор қилди. Унинг орзуси амалга ошиши учун яна уч йил керак бўлди. Иншоот қурилишига жами 70 млн. евро сарфланди. Ва ниҳоят, усти ёпиқ орол фойдаланишга топширилди. Гумбазсимон ангарнинг юқори қисми ойнаванд бўлиб, оролдаги яшиллик дунёси айнан шу ойналар орқали қуёш нурларини қабул қилади. Қизиғи, Германиянинг қаҳратон қишида ҳам бу ерда ҳаво ҳарорати +26 даражадан ошмайди.

Сунъий оролнинг қолган қисми, яъни деворларига улкан дарпардалар илинган. Улар қайсидир маънода осмон ва булутларни англатиб туради. Орол чуқурлиги 200 метрни ташкил қилувчи сунъий денгизга ҳам эга. Қолаверса, ҳар бир пляж ва ҳовуз атрофида дунёга машҳур меъморий обидалар - Ангкор Ват, Балидаги ибодатхона эшиги, малайча Борнео ва анъанавий таиланд услубидаги уйларнинг мўъжаз нусхасини кўриш мумкин. Йил давомида 24 соат меҳмонларга хизмат кўрсатувчи бу иншоот бир вақтнинг ўзида 8000 кишини сиғдира оладиган ҳовуз, 25 метрли сув горкаси, мини гольф майдончаси, савдо-сотиқ павильонлари, ресторан, бар ва тиббий пунктига эга. Ҳатто, Парадиз пляжида тунги кемпинг хизмати ҳам йўлга қўйилган. Умуман олганда, сунъий оролда ҳеч ким зерикиб қолмайди. Бу ерда каттаю кичикка хуш ёқувчи аттракционларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Ангар-оролда сувдан ниҳоятда унумли фойдаланилади. Масалан, қайта тозаланган ҳовуз сувлари дарахт ва гулларни суғориш учун ишлатилади. Қолаверса, буғланган сув иншоот гумбазига тўпланиб, ёмғир ҳолида яна ўзига қайтади. Оролнинг тропик ўрмонзорларида ёввойи ўсимликлардан тортиб банан пальмасигача, кофе, лиана ва бир нечта экзотик гуллар ҳам ўсади. Бир километрлик йўлак айнан шу ўрмонзорлардан ўтган. У ердаги кўприк устида орол манзараси янаям чиройли кўринади. Қамишдан қурилган чайлалар эса оролнинг кимсасиз эмаслигидан дарак бераётганга ўхшайди.

Усти ёпиқ оролни ҳақиқий маънодаги мўъжизага қиёслаш мумкин. Қолаверса, бундай оролнинг борлиги тежамкор немис халқи учун ҳар томонлама қулайлик туғдиради. Улар қиш совуғида чанғи учиш баробарида сунъий оролдаги тропик ҳароратдан баҳра олишлари мумкин. Бироқ, Европанинг қоқ марказидаги бу иншоот шунчаки дам олиш маскани эмас. У одамларни табиатни севишга ҳам ўргатади. Эҳтимол, ҳақиқий тропик ўрмонларга ҳамма ҳам боролмас. Аммо, усти ёпиқ оролга йил бўйи борса бўлади. Негаки, бу ерда ёз ҳеч қачон тугамайди.

**Зафар МУҲАММАД**



# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Поездлар тўқнашуви

**Хабарларга қараганда, Жанубий Африка Республикасининг Претория шаҳри яқинида икки йўловчи поезд тўқнашиб кетган.**



Фалокат туфайли 400 киши турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор. Ҳалокат сабаблари аниқлангани йўқ, бироқ мутахассислар поездлар ҳайдовчиларнинг эътиборсиз ва уқувсизлиги туфайли тўқнашиб кетганини таъкидлашмоқда. Фалокат юз берган жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

## Тамаки саратонга сабаб бўлмоқда

**Япониялик мутахассислар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш саратон касаллигини қўзғатувчи омиллардан бири эканини яна бир бор аниқлашди.**



Тадқиқотчилар 500 нафар сигарет чекувчилар орасида текширув ўтказиб, уларнинг қонида ўзгаришлар юз берганини аниқлашди. Умуман чекмаган ва кашандаларнинг қон таҳлили солиштирилганда, соғлом одам қонида эпигенетик ўзгаришлар учрамаган. Мазкур тадқиқот ишларида 50 нафар турли мамлакат ва миллат аҳолиси фаол иштирок этишди. Тамаки маҳсулотларини чекувчи инсонлар ДНК сида содир бўлган бундай ўзгаришлар, қолаверса, генлар фаоллигининг ошиши натижасида рак касаллигини қўзғатувчи асосий омиллардан бири деб топилган.

## Марс учун махсус лойиҳа

**Европадаги "Mars One" фазовий лойиҳаси муаллифлари 2023 йилга бориб Марс сайёрасига одамларнинг кўчиб ўтиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.**



Лойиҳа раҳбарларидан бири голландиялик Бас Лансдорпнинг айтишича, ҳозир Марсга йўл олишни хоҳловчилар учун чипталар сотувга чиқарилган. Аммо йўловчилар у ерга парвоз қилганидан сўнг қайтиб келиш имкониятига эга бўлмайди. Олимларнинг айтишича, Марсдан, ҳатто фазовий аппаратлар ҳам ҳозиргача қайтиб келмаган. Лойиҳага кўра, 2023 йили парвозга дастлаб тўрт фазогир йўл олиши кутилмоқда. Марсдаги ўзгача экологик ҳолат тақозоси билан уларнинг нурланиши мумкин бўлган айрим органлари олиниб, сунийсига алмаштирилади. 2023 йилга қадар эса ушбу сайёрага фазовий сайёҳлар учун алоҳида озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва қўшимча кислород, зарур техника ва технологиялар юборилади. Фазогирларни у ерга жўнатишдан кўзланган асосий мақсад қизил сайёрада тадқиқот ва кузатиш ишларини амалга оширишдир. Ушбу лойиҳа тафсилотлари махсус фазовий телекўрсатувлар орқали кузатиб борилади.

## Табиий офат тўхтамаяпти

**Тошқин туфайли минглаб инсонлар ўз уйларини тарк этмоқда.**



Европанинг айрим минтақаларида қарийб ўн кундан буён давом этаётган сув тошқинлари тўхтамаяпти. Айниқса, Шарқий Германиянинг Магдебург шаҳри яқинида Элба дарёси туғони тошиши оқибатида 23 мингга яқин одам ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлган. Ҳозир ушбу шаҳар яқинида сув сатҳи пасаяётган бўлса-да, қўшни минтақалар ҳануз хавф остида қолмоқда. Марказий Европага келган тошқиндан аллақачон 20 нафар инсон ҳалок бўлган. Тошқин етказган зарар миллиардлаб еврога тенглаштирилмоқда. Германия ҳукумати мамлакат шарқидаги яна бир неча туғон сув сатҳига дош бера олмаслигидан хавотирга тушган. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, сув тошқини тез орада Германиянинг шимолий минтақаларига ўтиши кутилмоқда.

Берлин шарқига келган тошқин сабабли пойтахтни Кёльн, Франкфурт ва Амстердам билан боғлаб турувчи темир йўл беркитилган. Мамлакат канцлери Ангела Меркел офатдан зарар кўрган минтақалар раҳбарлари билан учрашган ва офат оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган молиявий манбалар ҳақида суҳбатлашган.

## Сув танқислигини ҳал этадиган мато

**Голландиядаги Эйндховен технология ҳамда Гонгконг Политехника университети тадқиқотчилари томонидан янги мато яратилган.**



Хабарларга кўра, махсус полимер қоплама толасидан тайёрланган матолар ҳаводан сувни максимал даражада шимиб олади. Оддий пахта толаси эса бор-йўғи 10-15 фоиз сувни шимиб олиши мумкин. Янги матодан асосан, гигиеник воситалар, саҳро ва тоғларда кийишда мўлжалланган махсус либослар, спорт кийимларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Мазкур мато тоғли минтақаларда нам ҳаводан сувни ажратиб бериши билан ҳам бошқа матолардан ажралиб туради.

*Хориж хабарлари асосида*
*А.ИБРАГИМОВА тайёрлади*

# Кўзгу

## Маданият хабарлари

### Ғолиблар мамлакат босқичида қатнашади

**“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган “Келажак овози — 2013” республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.**

Мазкур анъанавий танлов изланувчан ёшларнинг фаолияти, ижодий режалари билан атрофлича танишиш, уларни ҳаётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 1100 нафарга яқин йигит-қиз ўз лойиҳаси, ижодий ишлари, илмий ишланмаси билан иштирок этди. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қатнашчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика сингари номинациялар бўйича ўз қобилиятини намойиш этишди. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

### Театрда маданий тадбир

**Республика ёш томошабинлар театрида “Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!” мавзусида маданий тадбир ўтказилди.**

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди. Жамғарма томонидан тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни соғломлаштириш, мурувват ва меҳрибонлик уйлари, болалар махсус мактаб-интернатларида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Бу галги тадбирда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 2-мурувват уйи тарбияланувчилари иштирокида саҳналаштирилган бадиий-мусиқий дастур намойиш этилди. Болаларга совғалар улашилди.

**ЎзА**

### «Буюк ипак йўли Ўзбекистон болалари нигоҳида»

**Хитойнинг Цзясин шаҳрида (Чжецзян провинцияси) «Буюк ипак йўли Ўзбекистон болалари нигоҳида» номли кўргазма очилди.**

Кўргазма Фонд Форум, Хитой Халқ Республикаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти, Цзясин шаҳри халқ ҳукумати, Цзясин шаҳри хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги Бош консуллиги кўмагида ташкил этилди. Кўргазмада Тошкент шаҳридаги «Янги авлод форуми», «Эски шаҳар» болалар ижодиёти марказлари ҳамда Самарқанд шаҳридаги БИМ болаларининг 80 дан ортиқ расмлари, шунингдек, хитойлик болаларнинг 100 га яқин ишлари намойиш этилди.

**Мирзоҳид АБДУПАТТОЕВ**

## Санъат

# Қалбдан янграган куй қалбга элтади



***Олимларнинг фикрича кишиларни жисмонан даволашдан аввал уларни руҳан бақувват этмоқ лозим. Дарҳақиқат, инсоннинг гўзал ҳаёт кечириши, узоқ умр кўриши асосан руҳ соғлигининг нечоғлик таъминланганлигига боғлиқ. Бу борада маълум омиллар қатори мусиқа санъати ўзига хос ўринга эга. Яхши ижро этилган асар кишига завқ беради, руҳияти ором олади. Меҳнат жараёнини мустаҳкамлайдиган омил ҳам ҳисобланади. Айниқса, Чўли Ироқ куйи чалинганда биринчи бўлиб кўз олдингизда най гавдаланади. Унинг дардли хониши вужудингизни титроққа солади. Шу маънода, биз най сози, унинг алоҳида хусусиятлари ҳақида ўртоқлашгимиз келди. Жўяли маълумотларга эга бўлиш учун эса Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедраси катта ўқитувчиси, най устаси Хуршид Ориповни суҳбатга чорладик.***

**— Хуршид ака, суҳбатимиз аввалида най, унинг тарихи ҳақида маълумот берсангиз.**

— Миллий мусиқа санъатимиз, созандалик тўғрисида гап кетганда созанда ва у чалаётган мусиқа асбобига алоҳида эътибор қаратилади. Мумтоз ижрочилик тараққиёти шак-шубҳасиз, чолғу асбоби билан боғлиқ. Пуфлаб чалинадиган кўплаб чолғулар қатори най ҳам ўз тарихига эга. “Най” сўзи “қамиш” деган маънони англатади. Ундан тараладиган куй, яъни мусиқанинг маъноси эса “илҳом парилари санъати” деганидир. Най асосан қамиш ва ғаровдан тайёрлангани боис ҳам шундай номланади. Тарихга юзланар эканмиз, Самарқанднинг Мўминобод қишлоғидан топилган 3300 йиллик тарихга эга 4 тешикли, суякдан ясалган най ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, Айритом шаҳристони қазилмаларидан тошга ўйиб ишланган найчининг тасвири топилган. Кўриниб турибдики, неча-неча асрлар илгари ҳам мусиқа санъати кишилар эҳтиёжларининг муҳим бўлаги саналган. Най асосан қамишдан тайёрланса-да унинг мевали дарахт ёғочидан, металл буюмдан, ҳаттоки лойдан тайёрланган вариантлари ҳам мавжуд.

**— Нима учундир най оҳанги хусусида сўз кетганда инсон вужудини дардли куй чулғаб олади, айтингчи, бунинг сабаби нимада?**

— Биласизми, найда жаҳон композиторларининг сара асарларини ҳам ижро этиш мумкин. Аммо юқорида таъкидланганидек най қамишдан тайёрланади ва табиийки бунинг учун қамишзордан керакли материал олиб келинади. Бирор бир мусиқа асарида най куйининг борлиги ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Боиси най навосида катта дард, сиру синоат яширин бўлади. Ана шунинг моҳиятини англашга бўлган иштиёқ инсонни бефарқ қолдирмаса керак. Халқимиз мусиқани яхши тушунади, унга бўлган қизиқиши ҳам кучли. Айниқса, найнинг сирли номаси ҳар қандай тингловчини сел қилиб юборади.

**— Халқимизда найга ошнолик қачондан бошланган ва ушбу соз ижрочисига қандай талаблар қўйилади?**

— “Қалбдан чиққан нарса қалбга тушади” дейди доно халқимиз. Най созига одамларнинг шинавандалиги ҳам шундан бўлса керак. Куйдан таралаётган ҳар бир оҳанг чинакам меҳр билан ижро этилсагина кўнгилни забт эта олади. Эътибор қиладиган бўлсак, най фортепиано, скрипка, дутор каби чолғуларга ўхшаб катта кўринишда ёки кўп материаллар билан ишлов берилмаган. Цилиндрсимон тузилишга эга бўлган ушбу чолғу асбобида пуфлаш ёрдами билан куйни ҳосил қилиш учун бор-йўғи 6 тагина тешик мавжуд. Учи берк ҳолда бўлиб, ички қисми бўшлиқдан иборат. Ижрочи нафас ва дами билангина кўнгилларни сел қилишга қодир асарларни яратади. Бунинг учун созандадан, энг аввало, бажараётган ишига чинакам меҳр талаб этилади. Найнинг серсайқал, жозибали ва гўзал ижросига эришишда созанда юксак маҳорат ва чуқур билим эгаси бўлиши лозим. Шундан сўнггина бой тажриба, кенг тафаккур билан қуролланиш вазифани аъло даражада уддалаш учун хизмат қилади. Най билан ишлаётганда созанда ўпка ва қорин иштирокида, аралаш нафас йўли билан куй яратар экан, вужуднинг бироз қийналишини ҳисобга оладиган бўлсак, у албатта, соғлом бўлмоғи лозим. Бундан ташқари ихтиёрий чолғу асбоби билан ишлаётган чолғучи қандай куй яратишидан қатъий назар унда яшаши керак. Бу дегани мусиқа моҳиятини кишиларга етказиш учун энг аввало, ана шу оламга тушиши, куйларнинг характерини ҳис қила олиши, исталган кечинмани ўзидан ўтказиши талаб этилади. Ана шундагина тингловчи завқланиши, санъаткор эса ўз мақсадига эришиши мумкин.

**Нурсора АБДУМАЛИК қизи,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

## Ҳунармандчилик

# Барнохон тиккан тўнлар

### элга манзур бўлмоқда

***Зомин туманининг Туркман қишлоғи Жиззах воҳасида “Тўнчилар қишлоғи” номи билан машҳур. Туманнинг “Чорвадор” ҚФЙда жойлашган мазкур қишлоқ хотин-қизлари момолардан мерос ҳунармандчиликнинг бу турини азалдан эъзозлаб келишади. Бу ерда истиқомат қилувчи ЎзМТДП туман Кенгашининг фаол аъзоси Барно Усмонова ҳам 15 йилдан зиёд вақтдирки, тўнчилик билан шуғулланиб, уста ҳунарманд даражасига эришган.***

Моҳир ҳунарманднинг қўлида жило топаётган 10 хилдан ортиқ тўнлар бежиримлилиги, сифатининг юқорилиги боис, доимо харидорлар эътиборида.

— Харидорларнинг диди, талаб ва истакларидан келиб чиқиб, мато танлаш, уларнинг ёши, бўй-басти, рангига қараб тўн тикишнинг ҳам ўзига яраша завқию машаққатлари бор, - дейди ҳунарманд уста. — Миллий тўн тикишни онам Мўминой опадан ўрганганман. Синглим Нилуфарнинг ҳам бу ҳунар сирларини ўрганишга иштиёқи баланд. У билан биргаликда янги бичимлар, тўнларни турли мавсумга мослаштириш, замонавийлаштириш, тўнчиликнинг янги намуналарини яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Кийимлар табиий иқлим, аҳолининг турмуш шароитлари ва халқларнинг миллий анъаналари асосида шаклланган. Ўзбек миллий кийим-бошларининг вужудга келишига ҳам айнан шу омиллар сабаб бўлган. Миллий кийимларимиз орасида тўн, яъни чопонлар алоҳида ўрин тутади. Мавсумий кийимлар қаторига кирадиган тўнлар авра-астарли ҳолда пахта солиб қавилади, олди очиқ, узун бўлиб, кийган киши юрганда, отга минганда, ерда чордона қуриб ўтирганида қулай, ихчам бўлиши учун ён томонларига кесик-йирмоч қўйилади. Тўнлар авраси беқасам, кимхоб, бахмал, шойи, сатин, чит каби табиий матолардан тикилиб, танани совуқдан яхши ҳимоя қилади, иссиқ сақлайди. Шу боис, ҳозирги кунда ҳам қишлоқларда кенг урфда бўлиб, кексаю ёш, эркаклару аёллар томонидан бирдай эъзозланиб кийилмоқда. Барнохон тикаётган чопонлар ҳам ўзида ана шундай муҳим жиҳатларни мужассам этган. Унинг кўз нури, қалб меҳрини бериб қавиётган чопонларини томоша қилар эканмиз, тўнларнинг турлари, тикилишида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақидаги саволларимизга батафсил жавоб оламиз.

— Тўнлар маҳаллий хусусиятларига кўра ҳам бир-биридан фарқланиб, улар ҳам кўп минг йиллик тарихий, ижтимоий шаклланиш жараёнини, маданий ўзгаришларни бошдан кечирган, - дейди Барнохон Усмонова. — Масалан, қадимда Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-қавима чопонлар кўпроқ расм бўлган бўлса, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда қимматбаҳо матолардан зардўз тўнлар тикиш, этаги ва енг учларига турли рангларда кашталар тикиш, атрофига қимматбаҳо тошлар билан безатиш ҳам хос одат саналган. Бундай тўнларни асосан хон ва амалдорлар, халқ орасида обрў-эътиборли кишилар кийишган. Бугун ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Моҳир чеварлар томонидан чопонлар ҳам тарихий кўринишини сақлаган ҳолда, замонга мослаштирилмоқда.

— Халқимиз орасида ҳурматли кишиларга, устозлар, қуда ва куёвлар, азиз меҳмонлар, шунингдек, хатна тўйи қилинаётган ёш болаларга ҳам тўн кийгизиш удуми ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда, - дея суҳбатимизга қўшилди синглиси Нилуфар. — Бу анъана замирида халқимизга хос улуғворлик, шу билан биргаликда, тўн кийдирилган инсонга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, боболаримиздан мерос кийимга юксак эътибор мужассам.

— ЎзМТДП томонидан биз ҳунармандларга берилаётган катта эътибор миллий ҳунармандчилик соҳасида янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда, - дейди фикрини давом эттириб Барно Усмонова. — Партия Зомин туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан биргаликда чекка ҳудудларда ҳам касаначиликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик йўналишида устоз-шогирд мактабларини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Бугун Зомин туманида туризмни ривожлантириш, миллий, маданий қадриятларни тарғиб қилиш, йўқолиб кетаётган ҳунар турларини қайта тиклаш йўлида амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатлар Барно ва Нилуфар Усмонова сингари миллий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи хотин-қизларга катта имкониятлар эшигини очмоқда. Улар туман, вилоят миқёсида бўлиб ўтаётган турли кўрик-танловлар ва кўргазмаларда қатнашиш, қўл меҳнати орқали вужудга келаётган ҳунармандчилик намуналарини нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларга ҳам намойиш этишмоқда. Уйлаймизки, момолардан мерос ҳунарнинг сирларини ўрганиб, миллийликни қадрлаб келаётган опа-сингил партиядошларимиз ЎзМТДПнинг миллий ҳунармандчиликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида келгусида ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Илҳом ЮНУСОВ,**
**ЎзМТДП Зомин туман Кенгаши фаоли,**
**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## ҲИКМАТ

***Яхшилик қила олмасанг, бори ёмонлиқ ҳам қилма.***
Алишер Навоий

*Энг зарур билимни қунт билан ўрган,*
*Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.*
*Зарурини ҳосил қилгандан кейин,*
*Унга амал қилмай умр ўткарма.*

Абдураҳмон Жомий

*Ақл улуғликка этади пайванд,*
*Ақлсизнинг доим оёғида банд*

Абулқосим Фирдавсий

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Гулкарам

**Бир йиллик сабзавот бўлиб, асосан оқ рангдаги тўпгуллари истеъмол қилинади. Мўътадил иқлимга эга ҳудудларда етиштириладиган сабзавотнинг калориялилиги - 21 ккал.ни ташкил қилади. Бундан ташқари, гулкарам таркибида калий, магний, кальций, марганец, темир, мис, рух, фтор ва каротинлар, С, К, В1, В2, В6 витаминлари мавжуд.**



Замонавий тиббиётда гулкарам саратон касалликлари профилактикаси учун тавсия этилади. Сабзавот таркибидаги энзимлар организмдан токсинларни чиқаришга ёрдам беради. Ўз вақтида чиқариб ташланмаган токсин бирикмалари ҳужайраларнинг шикастланишига олиб келади. Бу эса ўсмаларнинг пайдо бўлиш хавфини оширади. Энзимлар гулкарамдаги витамин ва минераллар билан бирикиб, унинг саратонга қарши курашиш хусусиятини кучайтиради. Гулкарамнинг калорияси жуда кам бўлса-да, тўйимли ва шу билан бирга парҳезбоп маҳсулот ҳисобланади. Шу боис, уни истаганча истеъмол қилиш мумкин. Бундан фақат соғлигингиз фойда кўради.

## БИЛАСИЗМИ?

Коинотдаги энг катта тезлик бу ёруғлик тезлигидир. У соатига 1 миллиард километр тезликда 1 йилда 9 760 800 000 000 км. масофани босиб ўтади.

* * *

Инсон Марс сайёрасига зондда учганда 9 кунда, автомобилда 63 йил тўхтовсиз юрганда, яёв эса 799 йилда етиб борган бўларди.

## ТУРФА ОЛАМ

# Ғайриоддий китоб

**ESCUELA DE COCINA CARULLA (КОЛУМБИЯ) ОШПАЗЛАР МАКТАБИ ТАЛАБАЛАР УЧУН ҒАЙРИОДДИЙ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА ТАЙЁРЛАДИ.**




Пазандалик сир-асрорларини ўргатувчи бу китоб, назарий билим бериш билан бирга, бўлғуси ошпазларга пичоқни қандай ушлаш кераклигини ҳам ўргатади. Мазкур китобни ўқиш учун талабадан ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Ғоя муаллифларининг айтишича, китоб бoблари ниҳоятда юпқа ва махсус чизиқ бўйлаб кесилиши лозим. Бу ўзига хос имтиҳон бўлиб, талабанинг таҳсил давомида эгаллаган маҳорати айнан шу мезонлар асосида баҳоланади.

# Емадингми, жарима тўла

**ЭНДИЛИКДА ГОНКОНГ РЕСТОРАНЛАРИДА ХЎРАНДАЛАР БУЮРТМА ҚИЛИНГАН ТАОМНИ ОХИРИГАЧА ЕБ ҚЎЙМАСА ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИГАН БЎЛДИ.**



Ҳозирча бундай қоида ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи ресторан ва суши-барлардагина амал қилмоқда. Бироқ, кейинчалик бу амалиёт нуфузли емакхоналарда ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Барига эса шаҳарнинг чиқиндилар билан боғлиқ муаммоси сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, шаҳар ресторанлари ҳар куни 700 тонна озиқ-овқат маҳсулотини чиқитга чиқарар экан. Юқорида айтилган жарима бу борадаги қўшимча сарф-харажатларни қоплаш мақсадида жорий қилинган.

**Зафар МУХАММАД**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 619, Адади — 10501. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Беҳбуд БОТИРОВ
**Навбатчи:** Муҳтарама КОМИЛОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5